5. 3 ва 4-бандларнинг қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг қонунчилигига мувофиқ, солиқ даъволарига нисбатан шундай даъвонинг хусусиятига кўра қўлланиши мумкин бўлган вақт чекловлари тақдим этилган ва устуворлик ушбу Давлат томонидан 3 ва 4-бандларда назарда тутилган мақсадлар учун қабул қилинаётган солиқ даъвосига нисбатан қўлланилмайди. Шунингдек, Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири томонидан 3 ёки 4-бандларда назарда тутилган мақсадлар учун қабул қилинаётган солиқ даъвосига нисбатан ушбу Давлатда бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ устуворликка эга эмас.

6. Аҳдлашувчи давлатларнинг бирига тааллуқли солиқ даъвосининг мавжудлиги, ҳақиқийлиги ёки миқдорини аниқлаш бўйича тартиботлар

иккинчи Аҳдлашувчи Давлатнинг суд ёхуд маъмурий органлари муҳокама-сига олиб чиқилмайди.

7. Аҳдлашувчи давлатлардан бири 3 ёки 4-бандларга мувофиқ сўро-нома юборганидан сўнг иккинчи Аҳдлашувчи Давлат тегишли солиқ даъ-воси суммасини ундириб биринчи Аҳдлашувчи Давлатга ўтказгунига қадар бўлган ҳолларда, солиқ даъвоси:

а) сўронома 3-бандга мувофиқ юборилганда — биринчи айtilган Давлатга тааллуқли, ушбу Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ундирили-ши ҳамда шу пайтда ушбу Давлатнинг қонунчилигига кўра унинг ундири-лишига тўсқинлик қила олмайдиган шахс томонидан тўлаб берилиши ло-зим солиқ даъвоси ҳисобланмай қолса ёки;

б) сўронома 4-бандга мувофиқ юборилганда — кўрсатилган биринчи Давлатга тааллуқли, уни ундириш учун ушбу Давлат ўз қонунчилигига мувофиқ таъминот чораларини кўриши мумкин солиқ даъвоси ҳисобланмай қолса;

бу ҳолда биринчи Давлатнинг ваколатли органи бу ҳақда дарҳол ик-кинчи Давлатнинг ваколатли органини хабардор қилади ва биринчи Дав-лат иккинчи Давлатнинг ихтиёри бўйича ўз сўрономасини тўхтатади ёки чақиртириб олади.

8. Ушбу модданинг қоидалари ҳеч бир ҳолатда Аҳдлашувчи Давлат зиммасига қўйидаги мажбуриятларнинг юкланиши сифатида талқин қили-ниши мумкин эмас:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги ва маъмурий амалиё-тига зид бўлган маъмурий чораларни кўриш;

б) жамоат тартибига (*ordre public*) зид бўлган чораларни кўриш;

с) ёрдам кўрсатиш, башарти бошқа Аҳдлашувчи Давлат мавжуд бўлган ҳолат бўйича ўз қонунчилиги ёки маъмурий амалиётида мавжуд бўлган ундириш ёки ундирувни таъминлашга доир барча оқилона чораларни кўрма-ган бўлса;

д) кўмаклашаётган Давлат зиммасига тушаётган маъмурий сарф-хара-жатлар ундирув натижасида иккинчи Аҳдлашувчи Давлат олиши мумкин бўлган фойдага номутаносиб бўлган ҳолатларда кўмаклашиш.»

5-модда

Қўйидаги 27А-модда (ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ) Конвенциянинг 27-модда-сидан кейин қўшилсин:

«27А-модда ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ

Ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларидан қатъи назар, агар барча тегишли фактлар ва шартларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай келишув ёки битимнинг асосий мақсадларидан бири мазкур Конвенция доирасида имтиёз олиш бўлиб ва бевосита ёки билвосита бундай имтиёзнинг олини-шига олиб келган деб хулоса қилишга асос бўлса, бундай даромад ва фой-да предметига нисбатан ушбу имтиёзлар тақдим қилинмайди, башарти бун-

дай шартларда ушбу имтиёзларнинг берилиши мазкур Конвенция тегишли қоидаларининг объекти ва мақсадига мувофиқ деб топилмаса.».

6-модда

1. Ахдлашувчи давлатларнинг ҳар бири дипломатик каналлар орқали мазкур Баённоманинг кучга кириши учун ўз қонунчилигида белгиланган процедураларнинг бажарилгани ҳақида иккинчи Давлатни хабардор қилади.

2. Баённома ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган хабарномаларнинг сўнггиси олинган санадан бошлаб кучга киради. Ушбу Баённоманинг қоидалари у кучга кирган йилдан кейинги тақвим йилининг 1 январи ёки ундан кейин бошланадиган солиқ даврларига нисбатан амал қилади.

3. Ушбу Баённома Конвенциянинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Конвенциянинг амал қилиниши тугатилгунга қадар ўз кучида қолади.

БУНИНГ ТАСДИФИ СИФАТИДА тегишли тартибда ваколатга эга бўлган қуйида имзо чекувчилар мазкур Баённомани имзоладилар.

Люксембург шаҳрида 2017 йил 18 сентябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, француз ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида 1994 йил 22 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
БАЁННОМА**

2018 йил 13 сентябрь, Тошкент

Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 январдаги ПҚ-4093-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 30 июлдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Беларусь Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, икки давлат ташувчилари учун қулай режим яратиш мақсадида, **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1-модда

1994 йил 22 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисидаги Битимга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин (кейинги ўринларда — Битим);

1. Битимнинг 1-моддаси 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. «Рухсатнома» тушунчаси Аҳдлашувчи томонлар давлатларининг ҳудудлари ўртасида, уларнинг ҳудудларидан транзит тарзда, шунингдек, бошқа Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудидан учинчи давлат ҳудудига ва/ёки учинчи давлат ҳудудидан бошқа Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудига (йўл йиғимлари тўлови билан ёки йўл йиғимлари тўловисиз) амалга ошириладиган ташишлар ҳуқуқини берувчи ҳужжатни англатади»;

2. Битимнинг 1-моддаси 4-бандидаги, 2-моддаси 2-бандидаги, 8-моддаси иккинчи хатбошисидаги ва 14-моддасидаги «Аҳдлашувчи томонларнинг» сўзлари «Аҳдлашувчи томонлар давлатларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3. Битимнинг 1-моддаси 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. «Ваколатли органлар» тушунчаси қуйидагиларни англатади:

Ўзбекистон Республикаси учун — Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги;

Беларусь Республикаси учун — Транспорт ва коммуникациялар вазирлиги.»;

4. Битимнинг 3-моддасидаги «иккала Аҳдлашувчи томонларнинг» сўзлари «иккала Аҳдлашувчи томонлар давлатларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

5. Битимнинг 4-моддасидаги «иккинчи Аҳдлашувчи томоннинг», 8-моддаси биринчи хатбошидаги ва 12-моддасидаги «бошқа Аҳдлашувчи томоннинг» сўзлари «бошқа Аҳдлашувчи томон давлатининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

6. Битимнинг 4 ва 11-моддаларидаги «бир Аҳдлашувчи томоннинг» сўзлари «бир Аҳдлашувчи томон давлатининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

7. Битимнинг 6-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Аҳдлашувчи томонлар давлатларининг ҳудудлари ўртасида, уларнинг ҳудудларидан транзит тарзда юк ташишлар, шунингдек, бошқа Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудидан учинчи давлат ҳудудига ва/ёки учинчи давлат ҳудудидан бошқа Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудига юк ташишлар Аҳдлашувчи томонлар давлатларининг ваколатли органлари тарафидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади, мазкур Битимнинг 7-моддасида назарда тутилган ташишлар бундан мустасно.

2. Ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида рухсатнома берилиши лозим. Ҳар бир шундай рухсатнома бир маротаба манзилга бориш ва қайтишни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

3. Рухсатнома ҳар бир механик узатмали автотранспорт воситаси учун талаб этилади. У бир вақтнинг ўзида тиркама ёки ярим тиркама учун ҳам, унинг рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, ҳақиқий ҳисобланади. Ташиш жараёнида тиркама ёки ярим тиркама алмаштирилган тақдирда қўшимча рухсатнома талаб этилмайди.

4. Аҳдлашувчи томонлар давлатларининг ваколатли органлари ҳар йили тенг шартлар асосида (йўл йиғимлари тўлови билан ёки йўл йиғимлари тўловисиз) юкларни ташиш учун рухсатнома бланкалари сонини ўзаро келишиб оладилар ва бир-бирларига тақдим қиладилар. Йил давомида берилган рухсатномалар келгуси йилнинг 31 январига қадар ҳақиқий ҳисобланади».

8. Битимнинг 7-моддаси 1-банди қўйидаги мазмундаги з) кичик банди билан тўлдирилсин:

«з) юк кўтариш қобилияти тиркама билан 3,5 тонна ёки рухсат этилган умумий оғирлиги тиркама билан бирга 6,0 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида амалга ошириладиган ташишда.»;

9. Битимнинг 9-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташувчилар ва уларнинг автотранспорт воситалари экипажлари бошқа Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудида ташишларни амалга оширишда мазкур Аҳдлашувчи томон давлатининг миллий қонунчилигига, шунингдек, Аҳдлашувчи томонларнинг давлатлари иштирокчилар ҳисобланган халқаро шартномалар қоидаларига риоя этишлари лозим.»;

10. Битимнинг 11-моддаси «ушбу Аҳдлашувчи томон» сўзларидан сўнг «давлатининг» сўзи билан тўлдирилсин;

11. Битимнинг 13-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир Аҳдлашувчи томон давлати ташувчиси томонидан бошқа Аҳдлашувчи томон давлатининг ҳудудида жойлашган икки пункт оралиғида амалга ошириладиган йўловчи ёки юкларни ташиш (каботаж) тақиқланади.»;

12. Битимнинг 16-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Битим доирасида ташишларни амалга ошираётган ва йиғимларни тўламаслик ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлган бир Аҳдлашувчи томон давлатининг автотранспорт воситалари автотранспорт воситасига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш, бошқа Аҳдлашувчи томон давлатининг автомобиль йўлларида фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ йиғим ва тўловлардан ўзаро озод этилади, қуйидагилар бундан мустасно:

автотранспорт воситасининг вазни, габаритлари ва юк қўтариш қобилияти ушбу Аҳдлашувчи томон давлатининг миллий қонунчилигида белгиланган меъёрлардан ошиб кетганлиги учун йиғим ва тўловлар;

пуллик автомобиль йўллари, автомагистраллар, кўприклар ва тоннеллардан фойдаланганлик учун йиғим ва тўловлар, башарти бундай йиғим ва тўловлар, шу жумладан, ушбу Аҳдлашувчи томон давлатининг автотранспорт воситаларидан ҳам ундирилиши лозим бўлса.

2. Ушбу Битимга асосан ташишлар амалга оширилаётганда, қуйидагилар бошқа Аҳдлашувчи томон давлатининг ҳудудига вақтинча олиб киришда божхона тўлов ва йиғимларидан тегишли Аҳдлашувчи томон давлатининг миллий қонунчилигида ўрнатилган тартибда озод этилади:

а) ишлаб чиқарувчи завод томонидан ҳар бир автотранспорт воситаси модели учун кўзда тутилган, двигателнинг таъминот тизими билан технологик ва конструктив боғлиқ бўлган сигимлардаги ёқилғи, шунингдек, рефрижераторнинг совутгич ускуналари ишлаши учун мўлжалланган ёқилғи;

б) ташиш жараёнида автотранспорт воситасини нормал эксплуатация қилиш учун зарур миқдордаги мойлаш материаллари;

в) халқаро ташишларни бажараётган автотранспорт воситаларини таъмирлаш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар ва асбоблар.

3. Асбоблар ва фойдаланилмаган эҳтиёт қисмлар қайта олиб чиқиб кетилиши лозим, алмаштирилган эҳтиёт қисмлар эса Аҳдлашувчи томон давлатининг ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ёки йўқ қилиниши ёхуд тегишли Аҳдлашувчи томон давлатининг миллий қонунчилигида белгиланган тартибда топширилиши лозим.»;

13. Битим қуйидаги мазмундаги 19¹-модда билан тўлдирилсин:

«19¹-модда

Ушбу Битимга Аҳдлашувчи томонларнинг ўзаро келишуви асосида унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Битимнинг 20-моддасида белгиланган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.».

2-модда

Мазкур Баённома Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Аҳдлашувчи Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида охириги ёзма хабарнома олинган

санадан бошлаб кучга киради ҳамда Битим билан бир вақтда унинг амал қилиши тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2018 йил 13 сентябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, беларус ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Баённома қоидаларини талқин қилишда рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

ПРОТОКОЛ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Республики Беларусь о внесении изменений и
дополнений в Соглашение между Правительством Республики
Узбекистан и Правительством Республики Беларусь
о международном автомобильном сообщении
от 22 декабря 1994 года

Ташкент, 13 сентября 2018 года

*Настоящее Соглашение утверждено постановлением
Президента Республики Узбекистан от 11 января 2019 года
№ ПП-4093 «Об утверждении международного договора»*

*(Вступил в силу для Республики Узбекистан
30 июля 2019 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Беларусь, в дальнейшем именуемые «Договаривающиеся Стороны», в целях создания благоприятного режима для автоперевозчиков двух стран,

договорились о нижеследующем:

Статья 1

Внести следующие изменения и дополнения в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Беларусь о международном автомобильном сообщении от 22 декабря 1994 года (далее — Соглашение):

1. Пункт 3 статьи 1 Соглашения изложить в следующей редакции:

«3. Термин «разрешение» означает документ, предоставляющий право на осуществление (с оплатой или без оплаты дорожных сборов) перевозки между территориями государств Договаривающихся сторон, транзитом через их территории, а также перевозки с территории государства другой Договаривающейся стороны на территорию третьего государства и/или с территории третьего государства на территорию государства другой Договаривающейся стороны.»;

2. В пункте 4 статьи 1, в пункте 2 статьи 2, во втором абзаце статьи 8 и в статье 14 Соглашения перед словами «Договаривающихся сторон» дополнить словом «государств»;

3. Пункт 7 статьи 1 Соглашения изложить в следующей редакции:

«7. Термин «компетентные органы» означает:

для Республики Узбекистан — Узбекское агентство автомобильного транспорта;

для Республики Беларусь — Министерство транспорта и коммуникаций.»;

4. В статье 3 Соглашения перед словом «обеих» дополнить словом «государств»;

5. В статье 4, в первом абзаце статьи 8 и в статье 12 Соглашения перед словами «другой Договаривающейся Стороны» дополнить словом «государства»;

6. В статьях 4 и 11 Соглашения перед словами «одной Договаривающейся Стороны» дополнить словом «государства»;

7. Статью 6 Соглашения изложить в следующей редакции:

«1. Перевозки грузов между территориями государств Договаривающихся Сторон, транзитом через их территории, а также перевозки грузов с территории государства другой Договаривающейся Стороны на территорию третьего государства и/или с территории третьего государства на территорию государства другой Договаривающейся Стороны, за исключением перевозок, предусмотренных в статье 7 настоящего Соглашения, осуществляются на основании разрешений, выдаваемых компетентными органами государств Договаривающихся Сторон.

2. На каждое автотранспортное средство должно быть выдано отдельное разрешение. Каждое такое разрешение дает право на осуществление одного рейса туда и обратно.

3. Разрешение требуется для каждого автотранспортного средства с механическим приводом. Оно действительно одновременно для следующего вместе с ним прицепа или полуприцепа независимо от места его регистрации. При замене прицепа или полуприцепа в процессе перевозки дополнительное разрешение не требуется.

4. Компетентные органы государств Договаривающихся Сторон ежегодно согласовывают между собой на паритетных условиях количество бланков разрешений (с и/или без оплаты дорожных сборов) для перевозки грузов и передают их друг другу. Разрешения, выданные в течение года, действительны до 31 января следующего года.»;

8. Пункт 1 статьи 7 Соглашения дополнить подпунктом з) следующего содержания:

«з) осуществляемых автотранспортными средствами грузоподъемностью вместе с прицепом до 3,5 тонн или допустимой полной массой с прицепом до 6,0 тонн.»;

9. Статью 9 изложить в следующей редакции:

«Перевозчики и экипажи их автотранспортных средств при осуществлении перевозок на территории государства другой Договаривающейся Стороны должны соблюдать национальное законодательство государства этой Договаривающейся Стороны, а также положения международных договоров, участниками которых являются государства Договаривающихся Сторон.»;

10. В статье 11 Соглашения перед словами «этой Договаривающейся стороны» дополнить словом «государства»;

11. Статью 13 Соглашения изложить в следующей редакции:

«Перевозки пассажиров или грузов, осуществляемые перевозчиком государства одной Договаривающейся стороны между двумя пунктами, расположенными на территории государства другой Договаривающейся стороны (каботаж), запрещаются.»;

12. Статью 16 Соглашения изложить в следующей редакции:

«1. Автотранспортные средства государства одной Договаривающейся Стороны, осуществляющие перевозки в рамках настоящего Соглашения и имеющие разрешения без оплаты сборов, взаимно освобождаются от сборов и платежей, связанных с владением или использованием автотранспортных средств, использованием или содержанием автомобильных дорог государства другой Договаривающейся Стороны, за исключением:

сборов и платежей за превышение веса, габаритов, грузоподъемности автотранспортного средства согласно нормам, установленным национальным законодательством государства этой Договаривающейся Стороны;

сборов и платежей за пользование платными автомобильными дорогами, автомагистралями, мостами и тоннелями, если такие сборы и платежи подлежат взиманию, в том числе с автотранспортных средств государства этой Договаривающейся Стороны.

2. При выполнении перевозок на основании настоящего Соглашения, в порядке, установленном национальным законодательством государства соответствующей Договаривающейся Стороны, будут освобождаться от уплаты таможенных платежей и сборов временно ввозимые на территорию государства другой Договаривающейся Стороны:

а) топливо, находящееся в предусмотренных заводом-изготовителем для каждой модели автотранспортного средства емкостях, технологически и конструктивно связанных с системой питания двигателя, а также топливо, предназначенное для работы холодильных установок рефрижераторов;

б) смазочные материалы в количествах, необходимых для нормальной эксплуатации автотранспортного средства во время перевозки;

в) запасные части и инструменты, предназначенные для ремонта автотранспортного средства, выполняющего международную перевозку.

3. Инструменты и неиспользованные запасные части подлежат обратному вывозу, а замененные запасные части должны быть вывезены с территории государства Договаривающейся стороны, либо уничтожены, либо сданы в порядке, установленном национальным законодательством государства соответствующей Договаривающейся стороны.»;

13. Соглашение дополнить статьей 19¹ следующего содержания:

«Статья 19¹

В настоящее Соглашение по взаимному согласию Договаривающихся сторон могут вноситься изменения и дополнения, являющиеся его неотъемлемой частью, оформляемые отдельными протоколами, которые вступают в силу в порядке, установленном в статье 20 настоящего Соглашения.».

Статья 2

Настоящий Протокол является неотъемлемой частью Соглашения и вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления о выполнении Договаривающимися Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу, и прекращает свое действие одновременно с Соглашением.

Совершено в г. Ташкенте 13 сентября 2018 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, белорусском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

Для целей толкования положений настоящего Протокола используется текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм
соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2017 йил 25 октябрь, Анқара

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 1 августдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Республикаси Ҳукумати (биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталувчилар), туризм соҳасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга бўлган ўзаро интилишга асосланиб, икки давлат ўртасида туристик оқимнинг ўсишига рағбатлантириш ис-тагида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Бир Томон давлатининг фуқароларини бошқа Томон давлати фани, ижтимоий тараққиёти, маданият соҳасидаги ютуқлари, табиати ва диққатга сазовор жойлари, шунингдек тарихий обидалари ва маданий урф-одатлари билан таништириш мақсадида томонлар туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашадилар.

2-модда

Томонлар халқаро конференциялар, форумлар, семинарлар, кўргазмалар ва оммавий ахборот воситаларида нашрларни ташкил этиш орқали «Буюк Ипак йўли» ва бошқа қўшма туристик йўналишлар ҳамда брендларни илгари суришга кўмаклашадилар.

3-модда

Томонлар туроператорлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишига ва туристик гуруҳларнинг ўзаро ташрифлари ташкиллаштирилишига кўмаклашадилар.

Томонлар туриндустрия вакилларининг уйғунлаштирилган туристик маршрутлар ва қўшма туристик маҳсулотларни яратиш ва тарғиб қилиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайдилар.

4-модда

Томонлар қулай туристик ахборот муҳитини электрон ҳамда босма оммавий ахборот воситалари, ихтисослаштирилган туристик ахборот марказлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш мақсадида ўз давлатларида бошқа томон давлатининг туристик салоҳияти тўғрисида маъ-

лумотларни тарқатишга кўмаклашадилар ҳамда ўз туристик ресурслари ҳақида статистик ахборот материаллари билан алмашадилар.

5-модда

Томонлар тажриба алмашиш ва туристик фаолиятни ташкиллаштириш мақсадида туризм бўйича форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва B2B форматидаги учрашувларни ташкил этадилар.

6-модда

Томонлар туристларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, туризм хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар кўрадилар.

7-модда

Томонлар ўз туристик салоҳиятларини оммалаштириш ва ўзаро туристик оқимни ошириш мақсадида ҳар икки давлат минтақалари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликнинг ўрнатилиши ва ривожланишига кўмаклашадилар.

8-модда

Томонлар ёзувчилар, журналистлар, кино жамоаси, туроператорлар, ҳаво йўллари вакиллари ҳамда жамоатчилик етакчилари учун танишув сафарларини уюштириш орқали туризм маркетинги соҳасида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар икки давлатнинг туризм салоҳияти ва туристларнинг ташриф масканлари билан таништирувчи туристик фестиваль ва тадбирларда қатнашадилар.

Томонлар ҳар икки давлатда саёҳат соҳаси ходимлари учун семинар ва ўқув курсларини ташкил этадилар.

9-модда

Томонлар туриндустрия ва турдош соҳалар корхоналари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилишига, туризм инфратузилмасига инвестиция киритилишига кўмаклашадилар.

10-модда

Томонлар туризм соҳасида касбий тайёрлаш бўйича мутахассислар тажрибасидан фойдаланган ҳолда ахборот алмашинуви орқали туризм соҳасида ўқитиш юзасидан ҳамкорлик қиладилар.

11-модда

Томонлар Турк томонидан беғараз асосда ҳамда муддат ва шартлари Томонлар ўртасида қўшимча тарзда келишиб олинган Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимида маслаҳатчи сифатида фаолият юритиши мумкин бўлган мутахассиснинг юборилиши имкониятларини кўриб чиқадиладар.

12-модда

Томонлар, зарурият туғилган ҳолда, мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ маслаҳатлашувлар ўтказадилар ва қўшма ишчи гуруҳларини ташкил қиладилар.

13-модда

Мазкур Битим Томонлар давлатлари иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган Томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

14-модда

Башарти ҳар қандай алоҳида ҳолатда бошқача келишилмаган бўлса, мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни Томонлар давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ томонларнинг мавжуд молиявий манбаларидан келиб чиқиб, ҳар бир томон ўзи қоплайди.

15-модда

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ёки талқин этишда юзага келган келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокара ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

16-модда

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро келишувлари асосида унинг ажралмас қисми бўлган ва мазкур Битимнинг 17-моддасига мувофиқ кучга кирадиган алоҳида баённомаларни расмийлаштириш орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

17-модда

Мазкур Битим унинг кучга кириши учун зарур бўлган миллий ҳуқуқий процедураларни Томонлар тугатганликлари ҳақида дипломатик каналлар орқали охириги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим беш йил муддатга тузилади ва Томонлардан бири ушбу Битимни тугатиш тўғрисидаги ниятини навбатдаги беш йиллик муддат тугатидан камида олти ой илгари дипломатик каналлар орқали бошқа томонга ёзма равишда хабардор қилмаса, у ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Мазкур Битим кучга кириши билан 1997 йил 18 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Жумҳурияти Ҳукумат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим ўз кучини йўқотади.

Анқара шаҳрида 2017 йил 25 октябрда икки асл нусхада ўзбек, турк ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида метеорология
соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2018 йил 30 апрель, Тошкент

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 7 августдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш жараёнига хиссасини қўшиб,

Томонлар ўртасида метеорология соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида,

метеорология соҳасида яқин ҳамкорлик натижасида келадиган фойда ва ўзаро манфаатдорликни инobatга олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Метеорологик фаолиятни такомиллаштириш учун ҳамда ҳар бир Томон давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ, Томонлар тенглик, ўзаролик ва ўзаро фойда принциплари асосида маълумот, тажриба ва технологиялар билан алмашиш орқали ҳамкорлик қиладилар.

2-модда

Томонлар қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қиладилар:

- a) қисқа муддатли прогноз ва дастлабки об-ҳаво прогнози;
- b) атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши масалалари бўйича маълумотни баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- c) замонавий технологияларни қўллаш, жумладан, об-ҳаво прогнозида рақамли моделлардан фойдаланиш ҳамда об-ҳаво прогнози учун сунъий йўлдошлар ва метеорологик радарларнинг маълумотларидан фойдаланиш;
- d) барвақт огоҳлантириш тизимларини ишлаб чиқиш ва табиий офатлар хавфини камайтириш;
- e) метеорологик асбобларни калибрлаш;

3-модда

Мазкур Битимнинг 2-моддасида санаб ўтилган соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш учун Томонлар қуйидаги усулларда ҳамкорлик қиладилар:

- a) метеорология соҳасидаги ҳар бир Томон давлати миллий қонунчилигида тақиқланмаган илмий-техникавий маълумотлар ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича ҳужжатлар билан алмашиш;

- b) мутахассислар, тадқиқотчилар ва маслаҳатчилар билан алмашиш;
- с) қўшма ишчи мажлислар, учрашувлар, семинарлар, ўқув дастурлари ва ўқув сафарларини ташкил этиш;
- d) қўшма илмий-техникавий лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш.

4-модда

Қуйидаги органлар мазкур Битим қоидаларини амалга оширишда ваколатли ҳисобланади:

Ўзбекистон томонидан — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет);

Туркия томонидан — Туркия Республикаси Ўрмон хўжалиги ва сув ишлари вазирлиги ҳузуридаги Метеорология бош директорати.

Томонлар ўзларининг ваколатли органлари тўғрисидаги ҳар қандай ўзгариш ҳақида бир-бирларини дарҳол дипломатик канал орқали хабардор қиладилар.

5-модда

Томонлар, ўз давлатининг тегишли миллий қонунчилиги ва ўзлари иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ, мазкур Битим доирасида тақдим этилган ёки яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқини самарали ҳимоя қилишни таъминлайдилар. Мазкур Битим мақсади учун интеллектуал мулк тушунчаси 1967 йил 14 июлда Стокгольмда имзоланган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддасида баён қилинган мазмунда тушунилади.

6-модда

Мазкур Битим доирасида амалга ошириладиган ҳамкорлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар Томонларнинг ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича ўзаро келишувларига биноан қопланади.

7-модда

Томонлар мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлик фаолиятида иштирок этиш учун ҳукуматга оид ва илмий (академик) муассасалар, хусусий корхоналар ва ноҳукумат ташкилотларни таклиф этишлари мумкин.

8-модда

Томонларнинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган тегишли баённомалар билан расмийлаштириладиган ва мазкур Битимнинг 12-моддасига мувофиқ кучга кирадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9-модда

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашда юзага кела-

диган ҳар қандай низо Томонлар тарафидан музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

10-модда

Ўзаро ёзма келишувга асосан, Томонлар ҳар бир Томон давлати миллий қонунчилигига мувофиқ, мазкур ҳамкорлик натижаларини учинчи томонларга тақдим этишга келишишлари мумкин.

11-модда

Мазкур Битим Томонларнинг давлатлари иштирокчи бўлган бошқа халқаро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларига дахл қиладиган тарзда талқин этилмаслиги лозим.

12-модда

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида бир-бирларига юборган сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим бир (1) йиллик муддат давомида амал қилади. Башарти Томонлардан бири бошқа Томонни мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугалланишига олти (6) ой қолгунга қадар унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма хабардор қилмаса, унинг амал қилиши ўз-ўзидан кейинги бир (1) йиллик даврларга узаяверади.

Мазкур Битимнинг тугатилиши Битимга мувофиқ келишилган ва у тугатилишига қадар бошланган лойиҳалар ва тадбирларнинг амал қилиш муддати ва давомийлигига дахл қилмайди.

Тошкент шаҳрида 2018 йил 30 апрелда икки (2) асл нусхада, ҳар бири ўзбек, турк ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом
Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий
ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида
ШАРТНОМА**

2017 йил 5 декабрь, Тошкент

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 7 августдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси, кейинги ўринларда «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормаларига амал қилган ҳолда,

иккала Ахдлашувчи Томон фуқароларининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини тенг ҳуқуқӣ ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг муҳимлигини эътироф этиб,

фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқӣ ҳамкорликни ривожлантиришни таъкидлаган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

I боб. Ҳуқуқӣ ҳимоя

1-модда

Ҳуқуқӣ ҳимояни таъминлаш

1. Бир Ахдлашувчи Томоннинг фуқаролари, шунингдек, унинг ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган ўзга шахслар бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида ўз шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларига нисбатан ушбу бошқа Ахдлашувчи Томоннинг фуқаролари сингари ҳуқуқӣ ҳимоядан фойдаланадилар.

2. Бир Ахдлашувчи Томоннинг фуқаролари, шунингдек, унинг ҳудудида яшовчи ўзга шахслар бошқа Ахдлашувчи Томоннинг фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар ваколат доирасига кирадиган суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа муассасаларига (кейинги ўринларда «адлия муассасалари» деб аталади) мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалар. Улар ушбу Ахдлашувчи Томон фуқаролари каби бир хил шартларда процессларда иштирок этиш, даъво қўзғатиш, илтимоснома бериш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишлари ҳам мумкин.

3. Мазкур Шартноманинг қоидалари тегишли тарзда Ахдлашувчи Томонларнинг ҳудудларида уларнинг миллий қонунчилигига биноан таъсис этилган юридик шахслар, шунингдек, процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган бошқа ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланилади.

2-модда

Божларни тўлаш ва харажатни қоплашдан озод этиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг фуқаролари, шунингдек, унинг ҳудудида яшовчи ўзга шахслар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ҳуқуқий ёрдам ва нотариал ҳаракатлар учун тўлов ва харажатларни қоплашдан озод этиладилар ҳамда унинг ўз фуқаролари сингари бир хил даражада ва шартларда бепул юридик ёрдамдан фойдаланадилар.

2. Мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган имтиёзлар муайян иш бўйича амалга оширилаётган барча процессуал ҳаракатларга, шу жумладан, қарорни ижро этишга нисбатан татбиқ этилади.

3-модда

Шахсни тасдиқловчи, оилавий ва мулкий аҳвол тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиш

1. Мазкур Шартноманинг 2-моддасида назарда тутилган имтиёзлар уларни тақдим этиш тўғрисида илтимоснома берган шахсининг шахсини тасдиқловчи, оилавий ва мулкий аҳволи тўғрисидаги ҳужжатлар асосида берилади. Мазкур ҳужжатлар ҳудудида ушбу шахс яшаш ёки турар жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли муассасалари томонидан берилади.

2. Агар илтимоснома берувчи шахс Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудида яшаш ёки турар жойига эга бўлмаса, бу ҳолда мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган ҳужжатлар у фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан берилиши мумкин.

3. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича қарор қабул қилувчи адлия муассасаси ҳужжатни берган муассасадан қўшимча маълумот ёки тушунтиришларни талаб қилиши мумкин.

II боб. Ҳуқуқий ёрдам

4-модда

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари мазкур Шартнома қоидаларига мувофиқ, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

2. Адлия муассасалари бошқа муассасаларга ҳам мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

3. Мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган ишлар бўйича бошқа муассасалар ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномаларни марказий органлар орқали юборишлари мумкин.

5-модда
Ҳуқуқий ёрдам ҳажми

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни, шу жумладан, қуйидагиларни амалга ошириш йўли билан бир-бирларига ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар:

а) ҳужжатларни тайёрлаш ва жўнатиш, тегишли ҳужжат ва ёзувларнинг асли ёки тасдиқланган нусхаларини, шу жумладан, банк, молиявий, ҳуқуқий ва молиявий-ҳўжалик ҳужжатларини тақдим этиш;

б) тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш, нарса ва ҳужжатларни тортиб олиш, мулкка тақиқ қўйиш, ашёвий далилларни топшириш ва жўнатиш;

с) кўздан кечириш ва текширувдан ўтказиш;

д) экспертиза ўтказиш;

е) тарафлар, жабрланувчилар, айбланувчилар, гувоҳлар ва экспертларни сўроқ қилиш;

ф) жиноят содир этишда айбланаётган шахслар ва бедарак йўқолган шахсларни қидириш;

г) жинорий таъқибни бошлаш;

һ) суд ҳужжатларини тақдим этиш;

и) фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича қарорларни ҳамда жиноят қуролларини мусодара қилиш ва жинорий йўл билан қўлга киритилган маблағлар ва бошқа қимматликларни давлат тасарруфига ўтказиш, шунингдек, фуқаролик даъволарига оид қисми юзасидан жинорий ишлар бўйича ҳукмларни тан олиш ва ижро этиш;

ж) ҳужжатларни топшириш.

2. Мазкур Шартнома ушлаб бериш масалаларига дахл қилмайди.

6-модда
Алоқа тартиби

1. Агар мазкур Шартномада бошқача алоқа тартиби белгиланмаган бўлса, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда Аҳдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари марказий органлар орқали ўзаро алоқа қиладилар.

2. Марказий органлар қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси учун — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги;

Афғонистон Ислом Республикаси учун — Афғонистон Ислом Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги.

7-модда
Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосноманинг мазмуни

1. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимоснома қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) сўраётган адлия муассасасининг номи ва сўралаётган адлия муассасасининг номи;

b) ҳуқуқий ёрдам сўралаётган ишнинг номи, илтимоснома мақсадининг баёни ва сўралаётган ёрдамнинг тавсифи;

c) тарафлар, жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва судланувчиларнинг исм-шарифи, доимий яшаш ёки турар жойлари, фуқаролиги, касби, юридик шахслар учун уларнинг номи ва юридик манзили тўғрисида маълумотлар;

d) «с» бандда кўрсатилган шахсларнинг қонуний вакиллари бўлганда, уларнинг исм-шарифи ва манзили;

e) ижро этиш учун сўралаётган муайян ҳаракатларни қўллаш сабаблари ва уларнинг батафсил баёни;

f) жинойий ишларда жиноятнинг баёни ва тавсифи, тегишли қонунларнинг мазмуни ёки матни, шунингдек, агар бирор қилмиш натижасида моддий зарар етказилган бўлса, зарар миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

g) зарурат бўлганда, шу давр мобайнида илтимоснома бажарилиши кутилаётган муддатни кўрсатиш.

2. Зарурат бўлганда, илтимосноманинг бажарилишини енгиллаштирувчи ёки прокурорнинг санкцияси билан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар учун керак бўладиган ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ёки улардан кўчирмалар илтимосномага илова қилинади.

3. Ҳужжатларни топшириш тўғрисидаги илтимосномада қабул қилувчининг аниқ манзили ва ҳужжатнинг номи ҳам кўрсатилган бўлиши лозим.

4. Илтимоснома ваколатли мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва сўраётган адлия муассасасининг расмий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

8-модда

Бажариш тартиби

1. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномаларни бажаришда сўралаётган адлия муассасаси ўз давлати қонунчилигини қўллаيدди. Сўралаётган адлия муассасаси илтимоснома бўйича сўраётган муассаса давлатининг процессуал нормаларини қўллаши мумкин, башарти улар ўз давлати қонунчилигига зид бўлмаса.

2. Агар сўралаётган муассаса илтимосномани бажаришга ваколатли бўлмаса, у илтимосномани ваколатли адлия муассасасига жўнатади ва бу ҳақда зудлик билан сўраётган муассасани хабардор қилади.

3. Сўраётган адлия муассасасининг илтимосномасига биноан сўралаётган адлия муассасаси зудлик билан манфаатдор тарафларни ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномани бажариш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этади.

4. Агар кўрсатилган манзилда ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномани амалга оширишнинг имкони бўлмаса, сўралаётган адлия муассасаси ўз давлатининг қонунчилигига мувофиқ жойни аниқлаш учун зарур чораларни кўради.

5. Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномаларни дарҳол ва тўлиқ бажариш учун зарур чоралар-

ни кўрадилар. Илтимоснома бажарилгандан сўнг сўралаётган муассаса сўраётган муассасага ҳужжатларни жўнатади.

6. Мазкур Шартноманинг 19-моддасига мувофиқ ҳуқуқий ёрдам кўрса-тиш имкони бўлмаган тақдирда, сўралаётган адлия муассасаси сўраётган адлия муассасасига ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномани ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни қайтаради.

9-модда

Гувоҳлар, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарлар, фуқаровий жавобгарлар, уларнинг қонуний вакиллари ва экспертларни чақириш

1. Зарурат бўлганда, Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудидаги гувоҳлар, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарлар, фуқаровий жавобгарлар, уларнинг қонуний вакиллари ва экспертлар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги дастлабки терговда ёки суд муҳокамасида иштирок этиш учун чақирилишлари мумкин.

2. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари томонидан топширилган чақирув қоғозига жавобан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасасига ихтиёрий тарзда ҳозир бўлган гувоҳлар, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарлар, фуқаровий жавобгарлар, уларнинг қонуний вакиллари ва экспертлар, ўз фуқаролигидан қатъи назар, мазкур Аҳдлашувчи Томоннинг давлат чегарасидан кесиб ўтгунига қадар содир этилган ҳар қандай қилмиш учун унинг ҳудудида жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки жазоланиши мумкин эмас. Мазкур шахслар ушбу Аҳдлашувчи Томон ҳудудида кўриб чиқиладиган иш бўйича ўз кўрсатувлари ёки эксперт сифатидаги хулосалари учун ёхуд суд иши предмети ҳисобланган қилмиш учун жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёхуд жазоланиши мумкин эмас.

3. Агар мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган шахслар уларнинг ҳозир бўлишларига зарурат йўқлиги тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб 15 кун ичида жўнаб кетишмаса, мазкур модданинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу муддат шахс ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳудудни тарк эта олмаган вақтни ўз ичига олмайди.

4. Сўраётган Аҳдлашувчи Томон гувоҳлар, экспертлар, жабрланувчилар ва уларнинг қонуний вакиллари сўраётган давлатга сафари ва у ерда бўлиб туриши билан боғлиқ харажатларни, шунингдек, ишдан озод этилган кунлари учун уларга тўланмаган ойлик маошини қоплайди. Эксперт экспертиза ўтказганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир. Чақирув қоғозидан чақирилган шахслар олиш ҳуқуқига эга бўлган тўловларнинг турлари белгиланган бўлиши лозим. Чақирилган шахс илтимосига биноан сўраётган Аҳдлашувчи Томон тегишли харажатларни қоплаш учун аванс тўлайди.

5. Бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида яшаётган жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарлар ва фуқаровий жавобгарлар, гувоҳлар ва экспертларни бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасасига чақириш, улар судга

келмаган тақдирда, мажбурлов чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш асосида амалга оширилмаслиги лозим.

10-модда

Ҳужжатларни топшириш тартиби

1. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасаси илтимосномага биноан ҳамда ўз ҳудудида амалда бўлган қоидаларга мувофиқ ҳужжатлар топширилишини амалга оширади, башарти ҳужжатлар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон тилида тузилган ёки уларнинг тасдиқланган таржимаси илова қилинган бўлса. Акс ҳолда, агар қабул қилувчи ҳужжатларни ихтиёрий равишда олишга рози бўлса, ҳужжатлар унга тақдим қилинади.

2. Топшириш учун мўлжалланган ҳужжатларнинг таржимаси тўғрилигини тасдиқлаш сўраётган адлия муассасаси ёки Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг дипломатик ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади.

3. Агар ҳужжатни илтимосномада кўрсатилган манзил бўйича топшириш имкони бўлмаса, сўралаётган адлия муассасаси ўз давлати қонунчилигига мувофиқ муайян манзилни аниқлаш учун зарур чораларни кўради. Муайян манзилни аниқлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, сўралаётган адлия муассасаси сўраётган адлия муассасасини бу ҳақда хабардор қилади ва топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни унга қайтаради.

11-модда

Ҳужжатлар топширилганини тасдиқлаш

Ҳужжатлар топширилганини тасдиқлаш сўралаётган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ расмийлаштирилади. Тасдиқномада ҳужжатни топшириш усули, жойи ва вақти, шунингдек, ҳужжатларни қабул қилган шахс кўрсатилган бўлиши лозим. Ҳужжатларни топширганлик тўғрисидаги тасдиқнома сўраётган адлия муассасасига жўнатилади.

12-модда

Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг ваколатлари

Аҳдлашувчи Томонлар ўз дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ҳужжатларни топшириш ва ўз фуқароларини сўроқ қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда мажбурлов тусидаги чоралар қўлланилмайди ёки уларни қўллаш билан таҳдид қилинмайди.

13-модда

Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида адлия муассасаси ёки махсус ваколатли шахс томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ўрнатилган шаклда муҳр босиб тайёрланган ёки тасдиқланган ҳужжатлар бош-

қа Ахдлашувчи Томон ҳудудида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади.

2. Бир Ахдлашувчи Томон ҳудудида расмий деб ҳисобланадиган ҳужжатлар бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида далилий қучга эга расмий ҳужжатлар каби фойдаланилади (легализация).

14-модда

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатларни жўнатиш

1. Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари ўз давлати фуқаролари ва Ахдлашувчи Томон ҳудудида доимий яшовчи бошқа шахсларнинг фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш тўғрисидаги гувоҳномаларини, маълумоти, меҳнат стажи тўғрисидаги ҳужжатларни ҳамда шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли бошқа ҳужжатларни бевосита бир-бирларига илтимоснома асосида таржимасиз ва бепул жўнатадилар.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳужжатлар бир Ахдлашувчи Томоннинг адлия муассасаси томонидан бевосита бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида яшовчи манфаатдор шахсларга уларнинг илтимосномалари асосида таржимасиз ва бепул жўнатилиши мумкин.

15-модда

Манзил ва бошқа маълумотларни аниқлаш

1. Илтимосномага биноан, Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари ўз давлатлари қонунчилигига мувофиқ, Ахдлашувчи Томонлар ҳудудларида яшовчи шахсларнинг манзилларини аниқлашда, башарти бу фуқаролар ҳуқуқларини амалга ошириш учун талаб қилинса, бир-бирларига ёрдам берадилар. Шу билан бирга, сўраётган адлия муассасаси илтимосномада кўрсатилган шахснинг манзилини аниқлашда ёрдам бериши мумкин бўлган ўзида мавжуд маълумотларни тақдим этади.

2. Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари сўраётган Ахдлашувчи Томон адлия муассасаларида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича мулкӣ даъво қўзғатилган ўз ҳудудида яшаётган шахсларнинг фуқаролик ҳолати, иш жойи ёки касби, даромадлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлашда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

3. Мазкур моддага мувофиқ ҳуқуқӣ ёрдам кўрсатишда Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари бир-бирлари билан ўз марказий органлари орқали ҳамда бевосита алоқа қиладилар.

16-модда

Ҳуқуқӣ масалалар бўйича ахборот

Илтимосномага биноан, Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари марказий органлари бир-бирларига ўз давлатларида амалдаги ёки муқаддам амалда бўлган қонунчилик ҳамда адлия муассасалари томонидан уни

қўллаш амалиёти тўғрисидаги ахборот, шунингдек, ҳуқуқий масалалар бўйича бошқа маълумотларни тақдим этадилар.

17-модда **Ҳамкорлик тиллари**

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари мазкур Шартнома ни амалга ошириш учун бир-бирлари билан алоқа қилишда инглиз тилидан фойдаланадилар.

2. Агар мазкур Шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сўраётган Аҳдлашувчи Томон тилида жўнатилаётган ҳужжатларга сўралаётган Аҳдлашувчи Томон тили ёки инглиз тилидаги таржима илова қилинади. Зарурат бўлганда, Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларининг расмий тилларида шарҳ билан ҳам таъминлайдилар.

3. Ҳужжатларнинг ёзма таржимаси тўғрилигини тасдиқлаш Аҳдлашувчи Томонларнинг қонунчилиги ва мазкур Шартнома қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

18-модда **Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар**

Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплашни талаб қилмайди. Агар мазкур Шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар ўз ҳудудларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда юзага келадиган барча харажатларни ўзлари қоплайдилар.

19-модда **Ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этиш**

1. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимоснома, башарти унинг бажарилиши инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келса, давлат суверенитетига ёки хавфсизлигига дахл қилса ёхуд сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига зид бўлса, тўлиқ ёки қисман рад этилиши мумкин.

2. Илтимосномани бажаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, сўраётган Аҳдлашувчи Томон рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

II БЎЛИМ. ФУҚАРОЛИК ВА ОИЛАВИЙ ИШЛАР **БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

I боб. Судларнинг ваколати

20-модда **Умумий қоидалар**

1. Мазкур бўлимнинг II — V бобларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида яшаш жойига эга бўлган шахсларга нисбатан даъволар, уларнинг фуқаролигидан қатъи назар, ушбу

Ахдлашувчи Томон судларига, юридик шахсларга нисбатан даъволар эса худудида юридик шахснинг бошқарув органи, ваколатхонаси ёки филиали жойлашган Ахдлашувчи Томон судларига тақдим қилинади.

2. Ҳар бир Ахдлашувчи Томоннинг судлари қўйидаги ҳолатларда юрисдикцияга эга бўладилар:

а) жавобгарга тегишли ташкилот унинг худудида савдо, саноат ва бошқа фаолиятларни амалга оширса;

б) низо предмети бўлган шартномада белгиланган мажбурият унинг худудида тўлиқ ёки қисман бажарилиши керак бўлса;

с) шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво бўйича даъвогар унинг худудида доимий яшаш ёки турар жойига эга бўлса.

3. Эгалик ҳуқуқи ва кўчмас мулкка оид бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги даъволарни кўриб чиқиш худудида мулк жойлашган Ахдлашувчи Томон судларининг мутлақ ваколатига киради. Юқлар, йўловчилар ва бағажни ташиш тўғрисидаги шартномалар бўйича ташувчиларга нисбатан даъволар белгиланган тартибда даъво қўзғатилган транспорт ташкилоти бошқарув органи жойлашган жой бўйича тақдим қилинади.

21-модда

Шартнома бўйича судга тегишлилик

1. Ахдлашувчи Томонларнинг судлари бошқа ҳолларда ҳам ишларни кўриб чиқишлари мумкин, башарти низо ишбу судларга тақдим этиш тўғрисида тарафларнинг ёзма келишуви мавжуд бўлса. Мазкур Шартноманинг 20-моддаси 3-бандидан ва II — V бобларида белгиланган бошқа қоидалардан ҳамда Ахдлашувчи Томонлар қонунчилигидан келиб чиқадиган судларнинг мутлақ ваколатлари тарафлар келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

2. Низони ўтказиш тўғрисида келишув мавжуд бўлган тақдирда, суд жавобгарнинг аризасига биноан ишни кўриш учун бошқа судга ўтказилади.

22-модда

Суд процессларининг ўзаро боғлиқлиги

1. Ахдлашувчи Томонлар судларида айни бир тарафлар ўртасида, айни бир предмет бўйича ва айнан бир асослар бўйича иш қўзғатилганда, ишни кейинроқ қўзғатган суд иш юритишни тугатади.

2. Ахдлашувчи Томонларнинг келишувига кўра, ишни олдинроқ қўзғатган суд ҳам агар мазкур иш далилларнинг кўп қисми жойлашган жойдаги бошқа судда янада тезроқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилади, деб ҳисобласа, ишни кўриб чиқишни тугатиши мумкин.

3. Асосий даъво сингари айни бир ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган қарши даъво ёки дастлабки даъвони қоплашга қаратилган даъво асосий даъвони кўриб чиқаётган суд юрисдикциясига тегишли бўлади.

II боб. Шахсий мақом

23-модда

Хуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати

1. Жисмоний шахснинг лаёқати ушбу шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

2. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг лаёқати ҳудудида ушбу шахс доимий яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3. Юридик шахснинг лаёқати ҳудудида у таъсис этилган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

24-модда

Муомала лаёқатини чеклаш ва муомалага лаёқатсиз деб топиш, лаёқатни тиклаш

1. Шахснинг муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топишда ушбу шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг судлари ваколатга эга бўладилар, мазкур модданинг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Агар бир Аҳдлашувчи Томон судига ушбу Аҳдлашувчи Томон ҳудудида доимий яшаш ёки турар жойига эга бошқа Аҳдлашувчи Томон фуқароси бўлган шахснинг муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асослар мавжудлиги маълум бўлса, у ушбу шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг тегишли судини бу ҳақда хабардор қилади.

3. Агар муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асослар тўғрисида хабардор қилинган Аҳдлашувчи Томон суди уч ойлик муддатда ишни кўриб чиқишни бошламаса ёки ўз фикри тўғрисида маълум қилмаса, ҳудудида ушбу фуқаро доимий ёки вақтинча яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томон суди муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши мумкин. Шахснинг муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги қарор ушбу шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томон судига жўнатилади.

4. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандлари қоидалари муомала лаёқатини тиклашга нисбатан ҳам қўлланилади.

5. Мазкур модданинг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда ва кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда, ҳудудида ушбу шахс яшайдиган Аҳдлашувчи Томон суди шахсни ёхуд унинг мол-мулкини муҳофаза қилиш учун мустақил равишда зарур чораларни кўриши мумкин. Мазкур чораларга оид қарорлар ушбу шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томон судига жўнатилади, агар мазкур Аҳдлашувчи Томон судлари ўзгача тарзда ҳал этсалар, ушбу қарорлар бекор қилинади.

6. Аҳдлашувчи Томонлар судлари фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ёки шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш бўйича ишларни прокурор иштирокида кўриб чиқишлари лозим.

25-модда

Бедарак йўқолган деб топиш, вафот этган деб эълон қилиш, ўлим фактини белгилаш

1. Бедарак йўқолган деб топиш, вафот этган деб эълон қилиш ҳамда ўлим фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича сўнгги маълумотларга кўра шахс тирик бўлган вақтда фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томоннинг судлари ва бошқа шахсларга нисбатан — шахснинг охирги яшаш жойидаги адлия муассасалари ваколатга эга бўладилар.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон судлари ҳуқуқ ва манфаатлари ушбу Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига асосланган ҳамда унинг ҳудудида яшовчи манфаатдор шахсларнинг мурожаатига кўра, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида яшайдиган фуқароси ёки ўзга шахсни бедарак йўқолган деб топиши ёки вафот этган деб эълон қилиши, шунингдек, унинг ўлим фактини белгилаши мумкин.

3. Бедарак йўқолган деб топиш, вафот этган деб эълон қилиш ва ўлим фактини белгилаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда Аҳдлашувчи Томонлар судлари ўз давлатлари қонунчилигини қўллайдилар. Бундай ишларни кўриб чиқишда прокурор иштироки талаб этилади.

III боб. Оилавий ишлар

26-модда

Никоҳ

1. Никоҳланувчи ҳар бир шахс учун никоҳ тузиш шартлари у фуқароси ҳисобланадиган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади, фуқаролиги бўлмаган шахс учун эса ҳудудида ушбу шахс яшаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларга нисбатан ҳудудида никоҳ тузилаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги талабларига риоя этилиши лозим.

2. Никоҳ тузиш шакли никоҳ ҳудудида тузилаётган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

27-модда

Эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар

1. Эр-хотиннинг шахсий ва мулкӣ муносабатлари ҳудудида улар биргаликда яшаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

2. Агар эр-хотиндан бири Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида, иккинчиси эса бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида яшаса ҳамда эр-хотиннинг иккаласи ҳам бир хил фуқароликка эга бўлса, уларнинг шахсий ва мулкӣ муносабатлари улар фуқаролари ҳисобланадиган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3. Агар эр-хотиндан бири Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг, иккинчиси эса бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси ҳисобланса ҳамда улардан бири Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида, иккинчиси эса бошқа

Ахдлашувчи Томон ҳудудида яшаса, бу ҳолда уларнинг шахсий ва мулкӣ-ҳуқуқӣ муносабатлари ҳудудида улар охири биргаликда турар жойига эга бўлган Ахдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

4. Агар мазкур модданинг 3-бандида кўрсатилган шахслар Ахдлашувчи Томонлар ҳудудида биргаликда турар жойига эга бўлмасалар, муассасаси ишни кўриб чиқаётган Ахдлашувчи Томоннинг қонунчилиги қўлланилади.

5. Эр-хотиннинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқӣ муносабатлари ушбу мулк ҳудудида жойлашган Ахдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

6. Мазкур модданинг 1 — 3 ва 5-бандларига мувофиқ қонунчилиги қўлланилиши лозим бўлган Ахдлашувчи Томонларнинг муассасалари эр-хотинларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўладилар.

28-модда

Никоҳдан ажратиш

1. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларга нисбатан эр-хотин ариза берилган вақтда фуқаролари бўлган Ахдлашувчи Томоннинг қонунчилиги қўлланилади.

2. Агар эр-хотиндан бири Ахдлашувчи Томонлардан бирининг, иккинчиси эса бошқа Ахдлашувчи Томоннинг фуқароси бўлса, муассасаси ишни кўриб чиқаётган Ахдлашувчи Томоннинг қонунчилиги қўлланилади.

29-модда

Ахдлашувчи Томонлар муассасаларининг ваколатлари

1. Мазкур Шартноманинг 28-моддаси 1-бандида назарда тутилган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича эр-хотин ариза берилган вақтда фуқаролари бўлган Ахдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари ваколатга эга бўладилар. Агар ариза берилган вақтда эр-хотиннинг иккаласи ҳам бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида яшаса, у ҳолда ушбу Ахдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари ҳам ваколатга эга бўладилар.

2. Мазкур Шартноманинг 28-моддаси 2-бандида назарда тутилган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича эр-хотиннинг иккаласи ҳам ҳудудида яшаётган Ахдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари ваколатлидир. Агар эр-хотиндан бири Ахдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида, иккинчиси эса бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида яшаса, у ҳолда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича эр-хотин ҳудудида яшаётган ҳар иккала Ахдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари ваколатга эга бўладилар.

30-модда

Никоҳни ҳақиқӣ эмас деб топиш

1. Никоҳни ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича мазкур Шартноманинг 26-моддасига мувофиқ никоҳ тузишда қўлланилган Ахдлашувчи Томоннинг қонунчилиги қўлланилади.

2. Никоҳни ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича Ахд-

лашувчи Томонларнинг адлия муассасалари ваколатлари мазкур Шартноманинг 29-моддасига мувофиқ белгиланади.

31-модда

Оталик ёки оналикни белгилаш ва бекор қилиш

1. Оталик ёки оналикни белгилаш ва бекор қилиш бола туғилганида фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

2. Агар боланинг фуқаролиги номаълум бўлса, оталик ёки оналикни белгилаш ва бекор қилиш бола яшаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3. Оталик ёки оналикни белгилаш ва бекор қилиш бўйича ишларда бола яшаётган Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари ваколатга эга бўладилар.

32-модда

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар

1. Ота-оналар ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳудудида улар биргаликда турар жойга эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

2. Агар ота-оналар ва болалардан бирининг яшаш жойи бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жойлашган бўлса, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар бола фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3. Никоҳсиз туғилган бола, унинг онаси ва отаси ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар бола фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

4. Вояга етмаган болалар учун ота-оналардан ёки ота-оналар учун вояга етган болалардан алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича алимент олишга даъвогар шахс ҳудудида яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги қўлланилади.

5. Ота-оналар ва болалар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги ишлар бўйича мазкур модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларига мувофиқ қонунчилиги қўлланиладиган Аҳдлашувчи Томоннинг судлари ваколатга эга бўладилар.

33-модда

Васийлик ва ҳомийлик

1. Васийлик ва ҳомийликни белгилаш ёки бекор қилиш ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган ёки бекор қилинаётган шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2. Васий ёки ҳомий билан васийликка ёки ҳомийликка олинаётган шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар муассасаси васий ёки ҳомийни тайинлаган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3. Васийлик ёки ҳомийликни қабул қилиш мажбурияти васий ёки ҳомий

этиб тайинланаётган шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

4. Башарти бир Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси васийлик ёки ҳомийлик амалга ошириладиган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида яшаётган бўлса, у бошқа Аҳдлашувчи Томон фуқароси бўлган шахснинг васийси ёки ҳомийси этиб тайинланиши мумкин.

34-модда

Васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича Аҳдлашувчи Томонлар муассасаларининг ваколатлари

Башарти мазкур Шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган шахс фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг муассасаси васийлик ва ҳомийликни белгилаш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатга эга бўлади.

35-модда

Васийлик ва ҳомийликка олиш бўйича чораларни кўриш тартиби

1. Яшаш жойи, турар жойи ёхуд мулки бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жойлашган бир Аҳдлашувчи Томон фуқаросининг манфаатлари учун васийлик ёки ҳомийлик бўйича чоралар кўриш зарур бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг васийлик муассасаси мазкур Шартноманинг 34-моддасига мувофиқ зудлик билан ваколатли васийлик муассасасини хабардор қилади.

2. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг васийлик муассасаси мустақил равишда зарур бўлган вақтинчалик чораларни кўриши мумкин. У мазкур Шартноманинг 34-моддасига мувофиқ Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли васийлик муассасасини зудлик билан хабардор қилиши лозим. Ушбу чоралар 34-моддада кўрсатиб ўтилган васийлик муассасаси ўзгача тарзда қарор қабул қилгунига қадар ўз кучини сақлаб қолади.

36-модда

Васийлик ва ҳомийликни ўтказиш тартиби

1. Васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг яшаш жойи, турар жойи ёки мулки бошқа давлатда бўлса, 34-моддада кўрсатилган ваколатли васийлик муассасаси васийлик ёки ҳомийликни мазкур Аҳдлашувчи Томоннинг тегишли идораларига ўтказиши мумкин. Ўтказиш сўралаётган муассаса васийлик ёки ҳомийликни қабул қилишга розилик берганидан ҳамда бу ҳақда сўраётган муассасани хабардор қилганидан сўнг кучга киради.

2. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилган муассаса васийлик ёки ҳомийликни ўз давлати қонунчилигига мувофиқ амалга оширади. У васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахснинг шахсий мақомига оид масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас, бироқ у никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин, башарти бу ушбу шахс фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ зарур бўлса.

37-модда

Фарзандликка олиш

1. Фарзандликка олиш, уни бекор қилиш ва ушбу масалалар бўйича ҳуқуқий оқибат фарзандликка олиш ёки уни бекор қилиш ҳақида ариза берилган вақтда фарзандликка олувчи фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

2. Агар бола бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси бўлса, фарзандликка олишда ёки уни бекор қилишда қонуний вакил ва ваколатли давлат органининг, шунингдек, боланинг ҳам розилигини олиш лозим, башарти бола фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги буни талаб этса.

3. Агар бола биринчиси Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси, иккинчиси эса бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси ҳисобланган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, фарзандликка олиш ёки уни бекор қилиш ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигида назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

4. Фарзандликка олиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида ариза берилган пайтда фарзандликка олувчи фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томоннинг муассасалари фарзандликка олиш ёки уни бекор қилиш ишлари бўйича ваколатга эга бўладилар. Мазкур модданинг 3-бандида назарда тутилган ҳолатда эр-хотин охири биргаликда яшаш ёки турар жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг органлари ҳам ваколатга эга бўладилар.

IV боб. Мулкий муносабатлар

38-модда

Эгалик ҳуқуқи

1. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ҳудудида кўчмас мулк жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Қайси турдаги мулк кўчмас ҳисобланиши масаласи ҳудудида ушбу кўчмас мулк жойлашган давлат қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

2. Давлат реестрига киритилиши зарур бўлган транспорт воситаларига нисбатан эгалик ҳуқуқи ҳудудида транспорт воситасини рўйхатдан ўтказишни амалга оширган орган жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

3. Эгалик ҳуқуқи ёки мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши ва бекор қилиниши бундай ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши ёки бекор қилинишига асос бўлган ҳаракатлар ёхуд бошқа ҳолатлар юз берган вақтда ҳудудида мулк жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

4. Битим предмети ҳисобланган эгалик ҳуқуқининг ёки мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши ва бекор қилиниши битим тузилган жойнинг қонунчилиги билан белгиланади, башарти Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ўзгача келишувга эришилмаган бўлса.

39-модда
Битим шакли

1. Битим шакли у тузилган жойнинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.
2. Қўчмас мулкка оид ва унга бўлган ҳуқуқлар бўйича битим шакли ҳудудида бундай мулк жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

40-модда
Ишончнома

Ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати ҳудудида ишончнома берилган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

41-модда
Битим тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Битим тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у тузилган жой қонунчилигига мувофиқ белгиланади, башарти ўзгача келишувга эришилмаган бўлса.

42-модда
Зарарни қоплаш

1. Зарарни қоплаш бўйича мажбуриятлар ҳудудида зарарни қоплаш ҳақидаги даъвога асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолатлар юз берган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади, шартномавий ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатлардан келиб чиқадиган зарарни қоплаш бўйича мажбуриятлар бундан мустасно.

2. Агар зарар келтирган шахс ва зарар кўрган шахс бир Аҳдлашувчи Томоннинг фуқаролари бўлсалар, ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги қўлланилади.

3. Зарарни қоплаш ҳақидаги даъвога асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолатлар ҳудудида юз берган Аҳдлашувчи Томоннинг суди мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича ваколатга эга бўлади. Зарар кўрган шахс ҳудудида жавобгар яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томон судига даъво қилиши мумкин.

43-модда
Даъво муддати

Даъво муддати масаласи тегишли ҳуқуқий муносабатлар тартибга солиниши учун қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

V боб. Ворислик

44-модда
Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили

Бир Аҳдлашувчи Томон фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳуду-

дида мулкни ушбу Аҳдлашувчи Томон фуқаролари каби тенг шартларда ва ҳажмда васият ёки қонун бўйича мерос қилиб қолдиришлари мумкин.

45-модда

Ворислик ҳуқуқи

1. Мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи ҳудудида мерос қилиб қолдирувчи охирги яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади, мазкур модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2. Кўчмас мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи ҳудудида ушбу мулк жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

46-модда

Мероснинг давлатга ўтиши

Агар Аҳдлашувчи Томоннинг мерос ишларида қўлланиладиган қонунчилиги бўйича давлат меросхўр ҳисобланса, мерос қилиб қолдирилган кўчар мулк мерос қолдирувчи вафот этган вақтда фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томонга ўтади, мерос қилиб қолдирилган кўчмас мулк эса ҳудудида у жойлашган Аҳдлашувчи Томонга ўтади.

47-модда

Васиятнома

Шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, шунингдек, васиятноманинг шакли ва уни бекор қилиш тартиби ҳудудида далолатнома тузилган пайтда васият қилувчи яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Васиятнома у тузилган жой қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлса, унинг шаклига риоя қилмаслик васиятнома ёки уни бекор қилишни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайди.

48-модда

Мерос ишлари бўйича ваколат

1. Мерос қолдирувчи вафот этган вақтда у ҳудудида яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг муассасалари кўчар мулкка тааллуқли мерос бўйича ишларни кўриб чиқиш юзасидан ваколатга эга бўладилар.

2. Ҳудудида мулк жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг муассасалари кўчмас мулкка тааллуқли мерос бўйича ишларни кўриб чиқиш юзасидан ваколатга эга бўладилар.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларидаги қоидалар мерос бўйича ишлар юзасидан вужудга келадиган низоларни кўриб чиқишда ҳам қўлланилади.

49-модда

Дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасининг мерос ишлари бўйича ваколоти

Мерос ишлари бўйича, шу жумладан, меросга тааллуқли низолар юзасидан бир Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси бошқа Аҳдлашувчи Томон муассасаларида ўз давлати фуқаролари манфаатларини, меросдан воз кечиш ҳуқуқини истисно қилганда, ишончномасиз ифодалаш ҳуқуқига эгадирлар, башарти фуқаролар уларда ўзлари ҳозир бўлмаган ёки вакил тайинламаган бўлсалар.

50-модда

Меросни муҳофаза қилиш чоралари

1. Аҳдлашувчи Томон муассасалари ўз давлати қонунчилигига мувофиқ унинг ҳудудида жойлашган ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси мерос қилиб қолдирган мулкни муҳофаза қилиш ва бошқариш учун зарур чораларни кўрадилар.

2. Мерос қолдирувчи фуқароси ҳисобланадиган Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ кўрилган чоралар тўғрисида дарҳол хабардор қилинади. Мазкур ваколатхоналар ушбу чораларни амалга оширишда иштирок этишлари мумкин.

3. Мерос бўйича ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган адлия муассасаси, шунингдек, дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасининг илтимосномасига мувофиқ, мазкур модданинг 1-бандига биноан кўрилган чоралар ўзгартирилиши, бекор қилиниши ёки кейинга қолдирилиши мумкин.

51-модда

Меросни ўтказиш

1. Агар мерос қолган кўчар мулк, шунингдек, кўчмас ёки кўчар мулкни сотишдан тушган пул маблағи мерос бўйича ишни кўриб чиқиш тугатилганидан сўнг, яшаш ёки турар жойи бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жойлашган меросхўрларга берилиши зарур бўлса, мерос қолган мулк ёки тушган пул маблағи ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига берилади.

2. Мерос бўйича ишлар юзасидан ваколатга эга бўлган муассаса мерос қолган мулкни дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасига ўтказишга рухсат беради.

3. Бу мулк меросхўрларга берилиши мумкин, башарти:

а) мерос қолган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигида белгиланган муддатда мерос қолдирувчининг кредиторлари билдирган барча талаблар тўланган ёки таъминланган бўлса;

б) мерос қилиб қолдириш билан боғлиқ барча йиғимлар тўланган ёки таъминланган бўлса;

с) ваколатли муассасалар, зарурат бўлганда, мерос қолган мол-мулкни олиб чикиб кетишга рухсат берган бўлсалар.

4. Пул маблағларини ўтказиш Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

III БЎЛИМ. СУД ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШ

52-модда

Суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Шартномада назарда тутилган шартларда бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида чиқарилган, қонуний кучга кирган қўйидаги қарорларни тан олади ва ижро этади:

а) адлия муассасаларининг фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича қарорлари, шу жумладан, мазкур ишлар бўйича суд томонидан тасдиқланган ярашув битимлари ва молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ нотариал далолатномалар (кейинги ўринларда — қарорлар);

б) жиноят қуролларини мусодара қилиш ва жиноий маблағлар ва бошқа қимматликларни давлат тасарруфига ўтказиш, шунингдек, фуқаролик даъволарига оид қисми юзасидан жиноий ишлар бўйича ҳукмлар.

53-модда

Ижро этиш талаб қилинмайдиган қарорларни тан олиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган, ўз хусусиятига кўра ижро этилиши талаб этилмайдиган қарорлар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида махсус процедураларсиз тан олинади, башарти:

а) сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасаси ушбу иш бўйича қонуний кучга кирган қарор чиқармаган бўлса;

б) мазкур Шартномага мувофиқ ёки унда назарда тутилмаган ҳолларда эса ҳудудида қарор тан олиниши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ, ушбу иш мазкур Аҳдлашувчи Томон адлия муассасасининг мутлақ ваколатига тааллуқли бўлмаса.

2. Мазкур модданинг 1-банди қоидалари васийлик бўйича қарорларга нисбатан ҳам, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш муассасалари томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан ҳам қўлланади.

54-модда

Қарорни ижро этишга рухсат бериш тўғрисида илтимоснома

1. Қарорларни ижро этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома ижро этилиши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли судига берилади. Илтимоснома биринчи инстанцияда иш бўйича қарор чиқарган судга ҳам киритилиши мумкин. Мазкур суд илтимоснома бўйича қарор чиқариш ваколатига эга бўлган судга илтимосномани жўнатади.

2. Қарорни ижро этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимосномага куйидагилар илова қилиниши лозим:

а) қарор ёки унинг тасдиқланган нусхаси, шунингдек, қарор қонуний кучга кирганлиги ва ижро этилиши лозимлиги ёхуд у қонуний кучга киргунга қадар ижро этилиши лозимлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат, башарти бу қарор матнидан англашилмаса;

б) суд процессида иштирок этмаган тарафга қарши қарор чиқарилганда, у белгиланган тартибда ва ўз вақтида судга чақиртирилганлигини, процессуал муомала лаёқатига эга бўлмаган ҳолларда эса судда унинг вакили тегишинча иштирок этганлигини билдирувчи ҳужжат;

с) қарорни жўнатиш вақтида унинг қисман бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) тарафларнинг шартномавий юрисдикция бўйича келишувини тасдиқловчи ҳужжат.

3. Қарорни ижро этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар сўралаетган Аҳдлашувчи Томоннинг расмий тилидаги ёки инглиз тилидаги тасдиқланган таржимаси билан бирга юборилади.

55-модда

Қарорни тан олиш ва ижро этиш тартиби

1. Мазкур Шартноманинг 52 ва 54-моддаларида назарда тутилган қарорларни тан олиш ва ижро этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома ҳудудида у бажарилиши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг судлари тарафидан кўриб чиқилади.

2. Қарорларни тан олиш ва ижро этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқувчи суд мазкур Шартномада назарда тутилган шартларга риоя қилинганликни аниқлаш билан чекланади. Шартларга риоя қилинган ҳолларда, суд қарорни ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

3. Қарорни ижро этиш тартиби ҳудудида у бажарилиши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

56-модда

Қарорларни тан олиш ва ижро этишни рад этиш

Мазкур Шартноманинг 52-моддасида назарда тутилган ижро этиш тўғрисидаги қарорларни тан олиш ва ижро этиш учун рухсатнома бериш рад қилиниши мумкин, башарти:

а) қарор қонуний кучга кирмаган бўлса ёки унинг ижро этилиши талаб қилинмаса, ҳудудида қарор чиқарилган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ у қонуний кучга киргунга қадар ижро этилиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно;

б) жавобгар ёки унинг вакили судга келиш учун чақирув қоғозини ўз вақтида ва тегишли тартибда олмаганлиги сабабли суд процессида иштирок этишмаса;

с) ҳудудида қарор тан олинмиши ва ижро этилиши лозим бўлган Аҳд-

лашувчи Томонда айнаи бир тарафлар ўртасида, айнаи бир предметга тааллуқли ва айнан бир асослар бўйича иш юзасидан кучга кирган қарор мавжуд бўлса ёки учинчи давлат судининг тан олинган қарори мавжуд бўлса ёхуд мазкур Аҳдлашувчи Томон муассасалари ушбу масала юзасидан муқаддам иш қўзғатган бўлсалар;

д) мазкур Шартнома қоидаларига мувофиқ ёки мазкур Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда эса ҳудудида қарор тан олиниши ва ижро этилиши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ мазкур иш унинг муассасалари мутлақ ваколатига тааллуқли бўлса;

е) тарафларнинг шартномавий юрисдикция бўйича келишувини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса;

ф) қарорни тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимосномани суди кўриб чиқаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ қарорни ижро этиш бўйича даъво муддати ўтган бўлса.

IV БЎЛИМ. ЖИНОИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

I боб. Жиноий таъқиб

57-модда

Жиноий таъқибни амалга ошириш имконияти

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томондан сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан, агар у адолат манфаатида зарур бўлса, жиноий таъқибни амалга оширишни сўраши мумкин.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосномасига биноан ўз фуқароларига ёки ўз ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа шахсларга нисбатан, агар ушбу шахслар сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ жиноят содир этишда айбланаётган бўлса, жиноий таъқибни амалга ошириши мумкин.

58-модда

Жиноий таъқибни амалга ошириш тўғрисида илтимоснома ва зарур ҳужжатлар

1. Жиноий таъқибни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома ёзма шаклда юборилади ва у қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) тергов ва суд муҳокамасини олиб боришга ваколатли бўлган сўраётган адлия муассасаси ва сўралаётган адлия муассасасининг номи;

б) содир этилган жиноятнинг вақти ва жойини аниқ кўрсатган ҳолда суд муҳокамасини топшириш тўғрисидаги сўров жўнатилиши билан боғлиқ бўлган қилмишнинг тавсифи;

с) жиноят содир этишда айбловларни асослантирувчи тергов натижаларининг баёни;

д) айбланаётган шахснинг шахсияти, фуқаролиги ва яшаш жойи ҳақида батафсил ишончли маълумот;

е) жиноят натижасида етказилган зарарнинг миқдори тўғрисидаги маълумот.

2. Жиноий таъқибни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома қуйидагилар билан бирга юборилиши лозим:

а) қилмишнинг жиноят деб тан олинishiга асос бўладиган сўраётган Аҳдлашувчи Томон қонунчилиги қоидаларининг тегишли матни, шунингдек, зарур бўлганда, терговни амалга оширишга ёрдам берадиган қонунчилик нормаларининг бошқа матнлари;

б) жабрланувчининг шикояти билан қўзғатилган жиноий ишларда жабрланувчиларнинг аризалари ва моддий зарарни қоплаш ҳақидаги аризалар;

с) гумонланувчининг шахсини, шу жумладан, ушбу шахснинг ташқи кўриниши тавсифи, унинг фотосурати ва бошқа расмларни аниқлашга ёрдам берувчи бошқа ҳар қандай маълумот.

3. Иш бўйича ҳар бир ҳужжат сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли адлия муассасасининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

4. Илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар мазкур Шартноманинг 7 ва 17-моддалари қоидаларига мувофиқ тасдиқланади.

59-модда

Шаҳодатлантириш ва тасдиқлаш

Агар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ўзгача келишилмаган бўлса, жиноий таъқибни амалга ошириш учун илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар, шунингдек, илтимосномага жавоб тариқасида берилган ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг ҳақиқийлиги шаҳодатлантириш ва тасдиқлашни талаб қилмайди, Аҳдлашувчи Томонларнинг қонунчилиги ва мазкур Шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

60-модда

Илтимоснома тўғрисида хабар

Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ўз ҳал қилув қарори тўғрисида сўраётган Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилиши лозим. Сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосномасига асосан яқуний ҳал қилув қарорининг нусхаси жўнатилиши мумкин.

61-модда

Илтимосномани қаноатлантириш асослари

Жиноий таъқибни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома уни юбориш билан боғлиқ бўлган қилмиш сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида содир этилган тақдирда жиноят деб ҳисобланса, қаноатлантирилиши мумкин.

62-модда

Рад этиш асослари

1. Агар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон жиноий таъқибни амалга оши-

риш тўғрисидаги илтимосномани қабул қилишдан бош тортса, у сўраётган Аҳдлашувчи Томонни рад этиш сабаблари тўғрисида хабардор қилади.

2. Агар айбланаётган шахс сўралаётган Аҳдлашувчи Томон фуқароси ҳисобланмаса ёки мазкур шахс ушбу Аҳдлашувчи Томон ҳудудида доимий яшамаса, жиний таъқибни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома рад этилиши мумкин.

63-модда

Жиний таъқибни амалга оширишнинг имконсизлиги

Агар таъқиб қилиш талаб этилаётган шахс сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ҳукм қилинган ва унга нисбатан ҳукм қонуний кучга кирган бўлса ёки иш бўйича бошқа яқин қарор чиқарилган бўлса, жиний таъқибни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома бажарилмайди ва сўраётган Аҳдлашувчи Томон бу ҳақда хабардор қилинади. Бундай ҳолатда сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари жиний иш қўзғата олмайди, қўзғатилган иш эса тугатилиши лозим.

64-модда

Айбланаётган шахснинг мақоми

Айбланаётган шахс, унинг қонуний вакили ёки яқин қариндошлари жиноят процессини ўтказишдан манфаатдор эканликлари тўғрисида ҳар қандай Аҳдлашувчи Томонга билдиришлари мумкин, айбланувчи шахс одил судловдан яшириниб юрган ёки унинг амалга оширилишига тўсқинлик қилган ҳолатлар бундан мустасно.

65-модда

Жабрланувчининг ҳуқуқлари

Жиноят процессини ўтказиш давомида сўраётган ва сўралаётган Аҳдлашувчи Томонлар жиноятдан жабрланган шахснинг ҳуқуқлари, хусусан, кўрилган зарарни ундириш ҳуқуқи ушбу ўтказиш натижасида бузилмаслигини таъминлайдилар. Агар фуқаролик даъвоси жиноят процесси ўтказиб берилгунга қадар қондирилмаган бўлса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ўтказилган жиноят процессида даъвони тақдим этишга руҳсат беради. Жабрланувчи вафот этган ҳолларда, мазкур қоида унинг қарамоғида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

66-модда

Сўраётган Аҳдлашувчи Томон учун судлов ишини ўтказишнинг оқибатлари

Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон айбланувчи шахсни жиний таъқиб қилиш тўғрисидаги илтимосномани қабул қилгандан сўнг, сўраётган Аҳдлашувчи Томон жиний таъқиб қилишни тўхтатади, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон сўраётган Аҳдлашувчи Томонни мазкур иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори тўғрисида хабардор қилгунига қадар зарурий тергов ўтказиш,

шу жумладан, сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно. Сўраётган Аҳдлашувчи Томон сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг хабарномасини олган вақтдан бошлаб, айни бир жиноят бўйича жиноий таъқибни тўхтатади.

67-модда

Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон учун судлов ишини ўтказишнинг оқибатлари

1. Келишув бўйича ўтказилган судлов иши сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги билан тартибга солинади. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари айблов пайтида ўз қонунчилигига мувофиқ жиноятнинг муайян элементларига ўзгартиришлар киритадилар. Мазкур давлатда чиқарилган жазо тури сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигида назарда тутилганидан оғирроқ бўлмаслиги лозим.

2. Сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида ўз қонунчилигига мувофиқ амалга оширилган суд муҳокамаси ёки процессуал талаблар билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат, башарти у сўралаётган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мос бўлса, унинг ҳудудида ушбу давлатда ёки унинг адлия муассасалари томонидан амалга оширилгани каби бир хил юридик кучга эга бўлади.

3. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон жиноий таъқибни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича суд муҳокамаси натижасида қабул қилинган қарор ҳақида сўраётган Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилади. Шу мақсадда, илтимосномага биноан ҳар қандай хал қилув қарорининг нусхаси юборилади.

68-модда

Жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон жиноий таъқиб, шу жумладан, суд муҳокамасида Аҳдлашувчи Томонларнинг қонунчилигида назарда тутилган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, улар қай бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудида келиб чиқишидан қатъи назар, инobatга олади.

69-модда

Вақтинчалик чоралар

Сўраётган Аҳдлашувчи Томон жиноий таъқиб қилиш тўғрисида илтимоснома юбориш ҳақида ўз ниятини билдирса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг ушбу мақсадда юборилган махсус илтимосномасини олгандан сўнг, таъқиб қилиш талаб этилган жиноят сўралаётган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ унинг ҳудудида содир этилган тақдирда қўлланилиши мумкин бўлган барча вақтинчалик чораларни, шу жумладан, судгача қамоқда сақлаш чорасини қўллаши мумкин.

II боб. Жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги махсус қоидалар

70-модда

Қамоқда сақланаётган шахсларни кўрсатув бериш ёки терговга кўмаклашиш учун вақтинча ўтказиш

1. Тегишли илтимоснома такдим қилинганда, Аҳдлашувчи Томонлар қамоқда сақланаётган шахсларни кўрсатув бериш ёки терговга кўмаклашиш мақсадида ўз қонунчиликларига мувофиқ ҳамда мазкур шахсларнинг розилиги билан вақтинчалик ўтказишлари мумкин.

2. Мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган шахслар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ўзаро белгиланган, лекин бир ойдан ошмаган, алоҳида ҳолларда эса — икки ойдан кам бўлган муддатга ўтказилиши мумкин.

3. Агар ўтказилаётган шахс сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ қамоқда сақланиши лозим бўлса, сўраётган Аҳдлашувчи Томон ушбу шахсни қамоқда сақлайди ва уни ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома билан боғлиқ бўлган судлов иши якунланганидан сўнг, мазкур модданинг 2-бандида белгиланган муддатларни инobatга олган ҳолда ёки агар сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг бўлишига эҳтиёж қолмаса, муддатидан олдинроқ сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга қайтаради.

71-модда

Кўрсатув бериш ёки терговга кўмаклашиш учун қамоқда сақланаётган шахсларни транзит тарзда ўтказиш

1. Агар шахс учинчи давлатдан бир Аҳдлашувчи Томонга бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудуди орқали ўтказилиши лозим бўлса, мазкур шахсни қабул қилаётган Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томондан шахсни унинг ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш учун рухсат сўрайди. Мазкур қоида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кўниш режалаштирилмаган ҳаво транспортдан фойдаланилган ҳолларда қўлланилмайди.

2. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон тегишли маълумотлардан иборат бўлган илтимосномани олгандан сўнг, ушбу илтимосномани ўз қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқади, башарти у асосий манфаатларига дахл қилмаса, имкон қадар қисқа вақт ичида илтимосномани қаноатлантиради. Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли адлия муассасалари ҳар бир алоҳида ҳолатда транзит усули, йўналиши ва бошқа шартларини келишиб оладилар.

3. Транзит тарзда ўтказиш давомида транзит давлати олиб ўтилаётган шахсни қамоқда сақлашнинг ҳуқуқий шароитлари билан таъминлайди ва олиб ўтилаётган шахсни кузатиб бораётган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг вакилларига зарур ёрдам кўрсатади.

4. Ҳаво кемаси режадан ташқари қўнган ҳолларда, ҳудудида парвоз амалга оширилаётган Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон вакиллари илтимосномасига кўра, мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган транзит тарзда ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани қабул қилгун-

га қадар, олиб ўтилади шахсни 48 соат давомида қамокда сақлаб туриши мумкин. Бундай илтимоснома техник воситалар, шу жумладан, телеграф, телекс, телефакс, электрон почта орқали юборилиши мумкин.

5. Транзит тарзда ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳисобидан қопланади.

72-модда

Тинтув ва олиб қўйиш

1. Сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосномаси мавжуд бўлган тақдирда, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ўз қонунчилиги доирасида ва учинчи томон манфаатларини инобатга олган ҳолда, предмет ва материалларни тинтув қилиш, олиб қўйиш ва сўраётган Аҳдлашувчи Томонга жиноят ишларида далил сифатида фойдаланиш учун топшириш бўйича илтимосномаларни бажаради.

2. Агар қайд этиб ўтилган ҳужжатлар ва предметлар сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга жиноят иши бўйича далил сифатида зарур бўлса, уларни топшириш суд муҳокамаси тугагунга қадар қолдирилиши мумкин.

3. Агар қайд этиб ўтилган ҳужжатлар ва предметлар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида олиб қўйилиши ёки мусодара этилиши лозим бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Томон уларни муайян муддатда ушлаб туриши ёки бериб туриши мумкин.

4. Агар сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги ва учинчи томонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатлари шуни талаб қилса, мазкур усулда топширилган ҳар қандай ҳужжатлар ва предметлар, башарти бундай сўралаётган Аҳдлашувчи Томон талаб қилса, суд муҳокамаси тугаши билан ушбу Аҳдлашувчи Томонга бепул қайтарилади.

73-модда

Жиноий даромадлар

Аҳдлашувчи Томонлар жиноий даромадларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилишда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар. Мазкур Шартноманинг мақсадлари учун «жиноий даромадлар» суд томонидан бевосита ёки билвосита жиноят содир этилиши натижасида олинган деб гумон қилинган ёки топилган мулк ёхуд мулкнинг қийматини ёки жиноят натижасида олинган бошқа фойдаларни англатади.

74-модда

Жиноий даромадлар бўйича ёрдам кўрсатиш

1. Сўраётган Аҳдлашувчи Томон сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга жиноий даромадлар бўйича ёрдам тўғрисида илтимоснома юбораётганда, у бундай даромад сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг юрисдикциясига тегишли бўлиши мумкин деб ҳисоблаган сабаблар ҳақида маълум қилади.

2. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ юборилган илтимосномани олгандан сўнг, бирон-бир жиноий даромад-

лар унинг юрисдикциясига тегишлилигини аниқлаш учун зарур чоралар кўради ҳамда сўраётган Аҳдлашувчи Томонни тергов натижаларидан хабардор қилади.

3. Агар бирон-бир жиноий даромад сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг юрисдикциясига тегишли бўлса, у активларни аниқлаш, молиявий операцияларни текшириш ва жиноий даромадларни мусодара қилишни таъминлашга ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа маълумот ёки далилларни олиш учун зарур чоралар кўради.

4. Жиноий даромадлар аниқланган тақдирда, илтимосномага кўра сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ўз қонунчилигига мувофиқ ушбу даромадларга нисбатан сўраётган Аҳдлашувчи Томон суди томонидан узил-кесил қарор қабул қилингунга қадар гумон қилинаётган жиноят орқали топилган ушбу даромадлар билан бирон-бир операциялар ўтказишга, уларни беришга ёки улардан фойдаланишга йўл қўймаслик мақсадида зарур чораларни кўради.

5. Аҳдлашувчи Томон ўз қонунчилигида белгиланган чекловлар доирасида сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг жиноий даромадларни олиб қўйиш ёки мусодара қилиш тўғрисидаги узил-кесил қарорини ижро этади ёки ижро этишга санкция беради ёхуд сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосномасига мувофиқ ушбу даромадларни олиб қўйиш учун бошқа зарур чоралар кўради.

6. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу моддани қўллашда инсофли учинчи томонларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини таъминлайдилар, жиноий даромадларни топшириш эса мазкур Шартноманинг 72-моддасида назарда тутилган шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

75-модда

Назорат қилинадиган етказиб бериш

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўз қонунчилиги доирасида ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ўзаро мақбул келишувлар, шу жумладан, исталган учинчи томон билан тузилган келишувлар ва аҳдлашувлар асосида муомалада тақиқланган буюмлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласида қатнашувчи шахсларни аниқлаш ва уларни жиноий таъқиб қилиш мақсадида товарлар, воситалар ёки материалларнинг ноқонуний айланишида назорат қилинадиган етказиб бериш усулидан лозим даражада фойдаланишни таъминлашга қаратилган зарур чоратadbирларни кўрадилар.

2. Назорат қилинадиган етказиб бериш усулидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор ваколатли органлар томонидан ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳаёт ва соғлиқ, атроф-муҳит учун хавфлилик даражасини, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни лозим даражада ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, зарурат бўлганда, Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида эришилган молиявий келишувлар ҳамда юрисдикцияга нисбатан англашувларни инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

3. Битимларга мувофиқ, шу жумладан, ҳар қандай учинчи томон иш-

тирокида назорат қилинадиган етказиб беришлар предмети бўлган муомалада тақиқланган товарлар, воситалар ёки материалларнинг ноқонуний партияларидан сақланган ёки олиб кўйилган ҳолда кейинги ташиш учун ёхуд бундай буюмлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг одамлар ҳаётига ва соғлиғига ҳамда атроф-муҳит учун эҳтимолий хавфлик даражасини ҳисобга олган ҳолда уларни тўлиқ ёки қисман алмаштириш учун фойдаланиш мумкин.

76-модда

Сўраётган ва сўралаётган Аҳдлашувчи Томонларнинг судларида ишларни кўриб чиқиш тартиби

Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир қанча жиноятларда жиноий таъқиб қилинганда, мазкур ишлар бўйича сўраётган ва сўралаётган Аҳдлашувчи Томонларнинг судлари юрисдикцияга эга бўлсалар, ҳудудида дастлабки тергов тугалланган Аҳдлашувчи Томоннинг суди уларни кўриб чиқишга ваколатли ҳисобланади. Бундай ҳолда ишни кўриб чиқиш мазкур Аҳдлашувчи Томон суди қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

77-модда

Айблов ҳукми тўғрисида хабарнома ва судланганлик тўғрисида ёзув

1. Аҳдлашувчи Томонлар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароларига нисбатан уларнинг судлари томонидан чиқарилган айблов ҳукмлари қонуний кучга кирганлиги тўғрисида бир-бирларига маълум қилишлари ҳамда маҳкумларнинг мавжуд фотосуратлари ва бармоқ изларини юборишлари лозим.

2. Илтимосномага кўра Аҳдлашувчи Томонлар ўз судлари томонидан илгари ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги тўғрисидаги маълумотларни бир-бирларига маълум қиладилар, башарти ушбу шахслар сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жиноий таъқиб қилинса.

78-модда

Махфийликка риоя қилиш

Тегишли илтимоснома мавжуд бўлган тақдирда:

а) сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоснома, унинг мазмуни ва тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек, илтимосномага биноан амалга оширилган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг сир сақланиши учун зарур чора-тадбирларни кўради. Агар ушбу илтимосномани махфийликка риоя этган ҳолда бажаришнинг имкони бўлмаса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон илтимосномани бажаришдан олдин бу ҳақда сўраётган Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилади, сўраётган Аҳдлашувчи Томон эса ушбу илтимосномани шунга қарамасдан ижро этиш зарурлиги бўйича маслаҳат беради.

б) сўраётган Аҳдлашувчи Томон сўралаётган Аҳдлашувчи Томон тақ-

дим этган маълумот ва далилларнинг махфийлигини таъминлайди, ушбу маълумот ва далиллар илтимосномада кўрсатилган тергов ёки суд муҳокамаси учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

79-модда

Фойдаланишга оид чеклаш

Сўраётган Аҳдлашувчи Томон сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг розилигисиз у такдим этган маълумот ёки далиллардан илтимосномада кўрсатилмаган тергов ёки суд ишлари учун фойдаланмайди ёхуд уларни такдим қилмайди. Бироқ айблов ўзгарган тақдирда, қўйилган айбга кўра жиноят унга нисбатан мазкур Шартномага мувофиқ ўзаро ёрдам кўрсатиш мумкин бўлган жиноят ҳисобланган даражада такдим этилган материалдан фойдаланиш мумкин.

80-модда

Гувоҳлар, жабрланувчилар ва суд муҳокамасининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш

Зарурат бўлганда, Аҳдлашувчи Томонлар биргаликда тергов ўтказилаётган жиноятлар тўғрисидаги ишларда, шунингдек, одил судловни амалга ошириш манфаатлари талаб қилган ҳолларда, бундай ишларни судда кўриб чиқишда гувоҳлар, жабрланувчилар ва суд муҳокамасининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш юзасидан ўз қонунчилигида назарда тутилган чора-тадбирларни кўрадилар.

81-модда

Ташиш билан боғлиқ харажатлар

Қамоқда сақланаётган шахсларни мазкур Шартноманинг 70-моддасида назарда тутилган кўрсатув бериш ёки терговга кўмак бериш учун вақтинча ўтказиш бўйича ташиш харажатлари, шу жумладан, учинчи давлатлар ҳудуди орқали ушбу шахсларнинг транзити билан боғлиқ харажатлар сўраётган Аҳдлашувчи Томон тарафидан қопланади.

82-модда

Бедарак йўқолган шахсларни қидириш

1. Илтимосномага кўра Аҳдлашувчи Томонлар бедарак йўқолган шахсларни қидиришни амалга оширадилар, башарти бундай шахслар сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бўлиши мумкин деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса.

2. Бедарак йўқолган шахсларни қидириш тўғрисидаги илтимоснома мазкур Шартноманинг 7 ва 17-моддалари қоидаларига мувофиқ тузилади ҳамда у қидирувдаги шахсларнинг имкон қадар тўлиқроқ тавсифи билан бирга у турган жойни аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай маълумотни ўз ичига олиши лозим.

3. Бедарак йўқолган шахсни қидириш тўғрисидаги илтимосномага, агар

мавжуд бўлса, қидирувдаги шахснинг фотосурати ёки бошқа график тасвири, стоматологик картаси, қўл бармоқ излари, шунингдек, талаб қилиниши мумкин бўлган бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари илова қилинади.

83-модда

Жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда Аҳдлашувчи Томонлар вакилларининг иштирок этиши

Бир Аҳдлашувчи Томон адлия муассасаларининг вакиллари иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари томонидан жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномани бажаришда ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг розилиги билан иштирок этишлари мумкин.

84-модда

Қамоқда сақланаётган шахсларни қуролли кузатиб бориш

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўтказиш рухсат этилган шахсларни ва терговга кўмаклашиш учун ўтказилаётган шахсларни ўз ҳудудларидан хавфсиз олиб чиқишни таъминлаш мақсадида бундай шахслар сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли адлия муассасалари қуролли вакиллари томонидан кузатиб борилиши мумкинлиги тўғрисида келишиб олдилар. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон бу ҳақда бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан олдиндан хабардор қилинади.

2. Мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда, сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг адлия муассасалари вакилларига улар ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтда сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий мақоми берилади. Шунга мувофиқ равишда, улар ушбу давлат ва ўз мамлакатларининг ҳуқуқий ҳимоясидан ҳамда шахсий дахлсизликдан фойдаланадилар, қуролни сақлаш ва олиб юриш, шунингдек, Аҳдлашувчи Томонлар қонунчилигида белгиланган ҳолларда хизмат ўқотар қуроллари ва махсус воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар ва ўз мажбуриятларини қабул қилувчи давлатнинг қонунчилигига мувофиқ бажарадилар.

3. Мазкур модданинг 2-бандида қайд этилган адлия муассасаларининг вакиллари томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда улар фуқаролари ҳисобланган Аҳдлашувчи Томон иккинчи Аҳдлашувчи Томонга зарур кўмак кўрсатади. Илтимосномага кўра бундай ҳолларда жиноят содир этган шахсларни жиноий таъқиб қилиш Аҳдлашувчи Томонлар қонунчилигига ва мазкур Шартнома қоидаларига мувофиқ улар фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томонга ўтказилиши мумкин.

4. Ваколатли адлия муассасаларининг хизмат ўқотар қуроллари, ўқдорилари, махсус воситалари ва шахсий ҳимояланиш воситалари мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда шакли ва мазмуни иккала Аҳдлашувчи Томон ўртасида келишиладиган махсус рўйхатлар (рухсатно-

малар) асосида сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудига қўйилади ва уларни қайта олиб чиқиб кетиш мажбурий ҳисобланади. Қурол-яроғ, ўқ-дори, махсус воситалар ва шахсий ҳимояланиш воситаларини олиб чиқиш адлия муассасалари вакиллари сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кириш вақтида божхона муассасалари томонидан тасдиқланган юқорида қайд этилган рўйхатлар (рухсатномалар) асосида амалга оширилади.

5. Мазкур модданинг қоидалари Аҳдлашувчи Томонларга учинчи давлатлар ушлаб берган шахсларни Аҳдлашувчи Томонлар ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш ҳолларига нисбатан қўлланилади. Мазкур Шартноманинг 71-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда, Аҳдлашувчи Томонларнинг олиб ўтиладиган шахсларни кузатиб бораётган вакилларида ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, махсус воситалар ва шахсий ҳимояланиш воситалари мавжуд эканлиги тўғрисида мазкур Шартноманинг 71-моддаси 1 ва 4-бандларига мувофиқ тақдим этиладиган транзит олиб ўтиш тўғрисидаги илтимосномада маълум қилинади. Бундай илтимоснома олингунга қадар қурол-яроғ, ўқ-дорилар, махсус воситалар ва шахсий ҳимояланиш воситалари сўралаётган Аҳдлашувчи Томон адлия муассасаларида белгиланган шароитларда сақланиши лозим.

85-модда

Жиноий ишлар бўйича ёрдам кўрсатишга оид алоқалар тартиби

Жиноий таъқиб қилиш бўйича алоқалар Аҳдлашувчи Томонларнинг бош прокурорлари (прокурорлари) томонидан амалга оширилади.

Прокурор (суд)нинг санкциясини талаб қилувчи процессуал ва бошқа ҳаракатлар бўйича алоқалар Аҳдлашувчи Томонларнинг бош прокурорлари (прокурорлари) белгилаган тартибда прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

V БЎЛИМ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

86-модда

Мазкур Шартноманинг қўлланилиши

Мазкур Шартномани талқин қилиш ва қўллаш юзасидан Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, Аҳдлашувчи Томонлар уларни маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал қилишга интиладилар. Зарурат бўлганда, юзага келган низоларни тартибга солиш мақсадида Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли давлат муассасалари вакилларида иборат қўшма комиссия тузилиши мумкин.

87-модда

Бошқа халқаро шартномаларга муносабат

Мазкур Шартнома Аҳдлашувчи Томонлар иштирокчилари ҳисобланган бошқа халқаро шартномалар қоидаларига дахл қилмайди.

88-модда
Ўзгартириш ва қўшимчалар

Мазкур Шартномага Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро келишувига кўра унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳамда Шартноманинг 89-моддасида ўрнатилган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар орқали ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

89-модда
Шартноманинг кучга кириши

Мазкур Шартнома ратификация қилиниши лозим ва у ратификация ёрлиқлари алмашинган санадан бошлаб ўттизинчи (30) куни кучга киради.

90-модда
Шартноманинг амал қилиш муддати

Мазкур Шартнома кучга кириш санасидан бошлаб, беш йил давомида амал қилади ҳамда унинг амал қилиш муддати, агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томонга унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма хабарнома юбормаса, кейинги беш йиллик даврларга ўз ўзидан узаяверади. Шартноманинг амал қилиши бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарнома олган санадан бошлаб, олти ой ўтгач тугатилади.

91-модда
Вақт бўйича амал қилиши

Мазкур Шартноманинг амал қилиши у кучга киргунга қадар вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга ҳам қўлланилади.

Тошкент шаҳрида, 2017 йил 5 декабрда, хижрий 14/09/1396, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, дари ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Шартнома қоидаларини талкин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом
Республикаси ўртасида ушлаб бериш тўғрисида
БИТИМ**

2016 йил 17 октябрь, Тошкент

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 7 августдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси, кейинги ўринларда «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, миллий суверенитет, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ва ўзаро манфаатларни ҳимоя қилиш принциплари асосида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ва ушлаб бериш соҳасида самарали ҳамкорликни ўрнатишга бўлган ўзаро манфаатларни назарда тутган ҳолда,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Ушлаб бериш мажбурияти

Ахдлашувчи Томонлардан бирининг сўровига кўра бошқа Ахдлашувчи Томон унинг ҳудудида аниқланган, сўраётган Ахдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари томонидан содир этган жинояти учун жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун таъқиб этилаётган ҳар қандай шахсни ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ушлаб бериш мажбуриятини олади.

2-модда

Ушлаб бериш учун асос бўладиган жиноятлар

Ушлаб бериш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин:

а) ҳар иккала Ахдлашувчи Томон қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жиноят деб топиладиган ва озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кўп муддати 1 (бир) йилдан кам бўлмаган муддат кўзда тутилган жиноят учун шахс ушлаб берилиши мумкин;

б) мазкур модданинг а) бандида қайд этилган муддатдан ортиқ бўлмаган жазо назарда тутилган жиноят содир этган шахснинг ушлаб берилиши сўралаётган бўлса ва чиқарилган ҳукм 6 (олти) ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бошқа янада оғирроқ жазо қўлланилиши назарда тутилса.

3-модда

Ушлаб беришни рад этиш

1. Ушлаб бериш ҳақидаги сўровнома қуйидаги ҳолларда рад этилади:

а) ушлаб бериш сўралган шахс сўралаётган Ахдлашувчи Томон фуқароси бўлса;

б) агар шахс сиёсий ёки ҳарбий жиноят учун ушлаб берилиши

сўралган бўлса, жиноят табиатини сўралаётган Ахдлашувчи Томон белгилайди;

в) жиноят сўралаётган Ахдлашувчи Томон ҳудудда ёки процессуал ҳаракатлар сўралаётган Ахдлашувчи Томон юрисдикцияси доирасида ўтказилган ушбу Томон ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса;

г) Ахдлашувчи Томонлардан бирининг қонун ва қоидаларига мувофиқ ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлаётган жиноят учун жиноий таъқиб қилинмаса;

д) ушлаб бериш сўралаётган Ахдлашувчи Томон миллий қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса ёки унинг манфаатлари ёки хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса.

2. Ушлаб бериш тўғрисидаги сўровнома қисман ёки тўлиқ рад этилган бўлса, сўралаётган Томон сўраётган Томонни рад қилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилади.

4-модда **Ўлим жазоси**

Агар шахс ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлаётган жиноят учун сўраётган Ахдлашувчи Томон қонун ҳужжатларида ўлим жазоси белгиланган бўлса, ушлаб бериш рад этилиши мумкин, башарти сўраётган Ахдлашувчи Томон ўлим жазоси тайинланмаслиги ёки ижро этилмаслиги учун сўралаётган Ахдлашувчи Томон етарли деб билган кафолатлар тақдим этмаса.

5-модда **Ушлаб бериш тўғрисида сўровнома тайёрлаш**

1. Мазкур Битимда назарда тутилган ушлаб бериш тўғрисида сўровнома ёзма шаклда тузилади ҳамда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши ва қуйидаги далиллар билан бирга тақдим этилиши лозим:

а) сўраётган органнинг номи;

б) содир этилган қилмишни жиноят деб топиш ва тегишли жазо тайинлаш учун асос бўлган сўраётган Ахдлашувчи Томон ҳар қандай қонун ҳужжатларининг қоидаси матни;

в) ушлаб берилиши сўралаётган шахснинг фамилияси, исми ва фуқаролиги, шунингдек отасининг исми, туғилган санаси, турар жойи, алоҳида белгилари, фотосурати, бармоқ излари ва ҳар қандай бошқа зарур маълумот, башарти имкони бўлса;

г) шахсни ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлаётган жиноятнинг баътафсил баёни, жиноятни содир этиш жойи ва вақти тўғрисида маълумот, унинг юридик тафсилоти ва имкон қадар тегишли қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар;

д) якуний айблов ҳулосаси, қамоққа олиш тўғрисида қарор ёки суд ҳукми чиқарилган даврда ўша юридик кучга эга бўлувчи бошқа далил. Агар ушлаб бериш сўралаётган шахсга нисбатан ҳибсга олиш ёки бошқа эҳтиёт чоралари қўлланилган ҳолатда сўралаётган Ахдлашувчи Томон қўшимча

маълумот ёки изоҳ ёхуд миллий қонунчилик талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатларни сўралаётган Аҳдлашувчи Томон сўраётган Аҳдлашувчи Томондан сўралаётган маълумот ёки изоҳ ёхуд ҳужжатларни 30 (ўттиз) кун ичида тақдим этилишини сўраши мумкин. Сўраётган Аҳдлашувчи Томон сўровномасига асосан ва узрли сабаблар мавжуд бўлганда мазкур муддат яна 30 (ўттиз) кунга узайтирилиши мумкин.

2. Агар сўраётган Аҳдлашувчи Томон қўшимча маълумот ёки изоҳларни ўз вақтида тақдим этмаса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ушлаб бериш сўралаётган шахсни ушлаб туришни тугатади. Бироқ, бу қўшимча маълумот ва изоҳлар олинганда мазкур шахснинг қайта ушланишига тўсқинлик қилмайди.

6-модда

Ҳужжатлар таржимаси

1. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар сўраётган Аҳдлашувчи Томон қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилиши ва сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг тилига ёки инглиз тилига тегишли таржима билан бирга тақдим этилиши лозим.

2. Сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёки/ва мазкур давлат ёки/ва сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг расмий таржимони ушбу ҳужжатларнинг таржимасини тасдиқлайди.

7-модда

Ушлаб бериш сўралаётган шахсни ушлаб туриш

Ушлаб бериш тўғрисида сўровнома олингандан сўнг, мазкур Битимнинг 3-моддасида кўзда тутилган ҳужжатлардан ташқари, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ўз ички қонунчилигига мувофиқ сўралаётган шахсни ҳибсга олиш ва ушлаб туриш учун зарур чораларни кўради.

8-модда

Ушлаб бериш тўғрисида сўровнома олингунга қадар ушлаб туриш

1. Фавқулудда ҳолатларда сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари ўз ички қонунчилигига мувофиқ сўралаётган шахсни вақтинча ушлаб туришни сўраши мумкин.

2. Ушлаб туриш тўғрисидаги сўровномада сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳибсга олиш тўғрисидаги ҳукм ёки санкцияга асосланиб мазкур шахсни ушлаб бериш сўралиши ва сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга ушлаб бериши тўғрисидаги ҳужжатлар тез орада тақдим этилиши кўрсатилиши лозим.

3. Ушлаб турилган шахс ушланган вақтдан эътиборан 45 (қирқ беш) кун ичида ушлаб бериш тўғрисида сўровнома келиб тушмаса, мазкур шахс озод қилинади. Мазкур муддат тугагунга қадар сўраётган Аҳдлашувчи То-

мондан олинган тегишли сўровнома асосида, ушбу муддат яна 15 (ўн беш) кунга узайтирилиши мумкин.

4. Шахснинг мазкур модда 3-бандига мувофиқ озод қилиниши ушлаб бериш тўғрисида сўровнома ва зарур ҳужжатлар олинганда унинг ушлаб бериш мақсадида қайта ушланиши ва ҳибсга олиншига тўсқинлик қилмайди.

9-модда

Ушлаб беришни кечиктириш

1. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ушлаб бериш сўралаётгандан бошқа жиноят юзасидан тергов олиб бориш ёки шахсга нисбатан сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида жазо ижро этилаётган бўлса ушлаб бериш кечиктирилиши мумкин.

2. Ушлаб беришни кечиктириш ўрнига сўралаётган Аҳдлашувчи Томон сўралаётган шахсни бошқа Аҳдлашувчи Томонга ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон ўртасида ўзаро келишилган муддат ва шартларда вақтинча топшириши мумкин.

3. Вақтинча ушлаб берилган шахс жиноят иши бўйича зарур процессуал ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг, бироқ 3 (уч) ойдан кўп бўлмаган муддат ичида сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга қайтарилиши лозим.

10-модда

Ушлаб бериш рад этилган ҳолатда суд муҳокамаси

1. Агар мазкур Битимнинг 3-моддаси 1 бандининг а) кичик бандига мувофиқ ушлаб бериш рад этилган бўлса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон сўраётган Аҳдлашувчи Томон сўровига асосан айбланувчига нисбатан жиний таъқибни амалга ошириши ва ўзининг ваколатли органларида унга нисбатан жиний иш қўзғатиши мумкин. Бундай ҳолатларда сўраётган Аҳдлашувчи Томон сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга жиноятга доир материаллар ва далилларни тақдим этади.

2. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон сўраётган Аҳдлашувчи Томонни тергов жараёни ва якуний натижалари тўғрисида хабардор қилади.

11-модда

Бир неча давлатнинг ушлаб бериш тўғрисидаги бир вақтдаги сўрови

Агар бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ давлат айнан бир ёки ҳар хил жиноятлар учун ушлаб беришни сўраётган бўлса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон барча ҳолатларни, хусусан жиноятнинг оғирлик даражаси, жиноятни содир этиш жойи, сўровномаларнинг тегишли саналари, ушлаб берилиши сўралаётган шахснинг фуқаролиги ва келгусида бошқа давлатга ушлаб бериш мумкинлигини инобатга олган ҳолда, иш бўйича қарор қабул қилади.

12-модда

Ушлаб берилган шахсни жиноий таъқиб қилиш

1. Ушлаб берилган шахс у ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб бериш амалга оширилишига асос бўлганидан бошқа жинояти учун жиноий таъқиб қилиниши ёки унга нисбатан ҳукм ижро этилиши мумкин эмас, башарти қуйидаги ҳолатларни мустасно қилганда сўралаётган Аҳдлашувчи Томон розилиги олинмаган бўлса:

а) ушлаб берилган шахс жиноий таъқиб тугатилганидан сўнг 15 (ўн беш) кун ичида сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудини тарк этмаган ва/ёки ушбу давлат ҳудудини тарк этганидан сўнг ихтиёрий равишда қайтиб келган бўлса;

б) таъқиб қилиш ёки ҳукмни ижро этиш давомида содир этилган жиноятнинг жиноий тавсифи ўзгарган бўлса ва ушбу янги жиноят, унинг таркибига кўра мазкур Битимнинг 2-моддасида келтирилган шартларга мувофиқ бўлса.

2. Ушлаб берилган шахс у ушлаб берилгунига қадар содир этган жинояти учун учинчи бир давлатга ушлаб берилиши мумкин эмас, башарти бунга сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг розилиги олинмаган бўлса.

3. Аҳдлашувчи Томонлар ушлаб берилган шахсга нисбатан юритиладиган жиноят иши натижалари тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар; қабул қилинган қарор нусхаси сўровнома асосида юборилади.

13-модда

Ушлаб беришни амалга ошириш

1. Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ушлаб бериш тўғрисидаги сўровнома юзасидан ўз қарори ҳақида сўраётган Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилади.

2. Агар ушлаб бериш келишилган бўлса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон шахсни топшириш жойи ва вақти, шунингдек ушлаб бериш сўралаётган шахс топширилгунига қадар ушлаб турилган муддат тўғрисида сўраётган Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилади.

3. Мазкур модданинг 4-банди қоидаларига мувофиқ агар ушлаб берилиши сўралаётган шахс келишилган муддатларда топширилмаган бўлса, сўралаётган Аҳдлашувчи Томон уни 15 (ўн беш) кун ичида озод қилиши шарт, ҳар қандай ҳолатда ҳам шахсни ушлаб туриш муддати топшириш келишилган муддатдан 30 (ўттиз) кундан ошмаслиги лозим. Бундай ҳолатларда сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ўзининг олдинги қарори билан чегараланмайди ва айнан шу жиноят учун ушлаб бериш тўғрисидаги сўровномани қайта кўриб чиқиши мумкин.

4. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири ўзига боғлиқ бўлмаган шартлар ва ҳолатларга кўра ушлаб берилиши сўралаётган шахсни топширмаётган ёки қабул қилмаётган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Томонга бу ҳақида хабар бериши лозим. Бундай ҳолатларда Аҳдлашувчи Томонлар топширишнинг янги санасини келишиб оладилар. Мазкур модданинг 3-банди қоидалари янги санага нисбатан ҳам татбиқ этилади.

14-модда
Такроран ушлаб бериш

Агар ушлаб берилган шахс жиноий таъкиб, процессуал ҳаракатлар тугатилишидан ёки ҳукм ижро этилишидан олдин бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига қайтиб келса, у сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг сўрономасига кўра такроран ушлаб беради. Бундай ҳолатларда мазкур Битимнинг 5-моддасида кўрсатилган ҳужжатларнинг тақдим этилиши талаб этилмайди.

15-модда
Ашёларни топшириш

1. Мазкур Битимнинг 2-моддасига мувофиқ сўралаётган Аҳдлашувчи Томон жиноий далиллар деб топилган ёки жиноят қуроли ёхуд жиноят натижасида эгалланган барча ашёлар ва буюмларни сўраётган Аҳдлашувчи Томонга топшириши лозим. Кўрсатилган ашёлар, буюмлар ва ҳужжатлар ушлаб бериш сўралган шахснинг ўлими ёки қочиши натижасида ёки бошқа сабабларга асосан ушлаб бериш амалга оширилмайдиган ҳолатда ҳам топширилиши лозим.

2. Аҳдлашувчи Томон мазкур модданинг 1-бандида қайд этилган ашё ва буюмларни топширишни бошқа жиноят иши бўйича терговни олиб бориш учун вақтинчалик кечиктириши ёки қайтариб бериш шарти билан топшириши мумкин.

3. Юқорида кўрсатилган ашё ва буюмларга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши ва бундай ашё ва буюмлар сўралаётган Аҳдлашувчи Томонга қайтарилиши лозим.

16-модда
Транзит

1. Ушлаб беришни тартибга солувчи қонун ва қоидаларга мувофиқ бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга ушлаб бераётган шахсларни учинчи давлатдан транзит олиб ўтишга рухсат бериши мумкин.

2. Транзит олиб ўтишга рухсат бериш тўғрисидаги сўронома мазкур Битимнинг 5-моддасида кўзда тутилган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

3. Ҳар бир ҳолатда Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари транзит усули, йўналиши ва бошқа шартларини мувофиқлаштирадilar.

17-модда
Харажатлар

Ушлаб бериш билан боғлиқ барча харажатлар улар ҳудудида вужудга келган Аҳдлашувчи Томон тарафидан қопланади. Ҳибсда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларни транзит ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сўраётган Аҳдлашувчи Томон тарафидан қопланади.

18-модда
Алоқа воситалари

Ушлаб бериш билан боғлиқ Ахдлашувчи Томонлар ўртасида ҳар қандай алоқа бир тарафдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва иккинчи тарафдан Афғонистон Исломи Республикаси Бош прокуратураси орқали бевосита ёки дипломатик каналлар ёхуд Жиноят қидирув полициясининг халқаро ташкилоти (Интерпол) орқали амалга оширилади.

19-модда
Низоларни ҳал этиш

Ушбу Битимни амалга ошириш ва талқин қилишда юзага келадиган барча низолар Ахдлашувчи Томонлар ўртасида бевосита музокаралар ёки дипломатик каналлар орқали ҳал қилинади.

20-модда
Ўзгартиришлар киритиш

Ахдлашувчи Томонларнинг ўзаро розилигига кўра ушбу Битимга унинг ажралмас қисми бўлган алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ва улар ушбу Битимнинг 21-моддаси 1-бандида белгиланган тартибда кучга киради.

21-модда
Кучга кириши ва амал қилишининг тугатилиши

1. Мазкур Битим ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрликлари алмашинган санадан сўнг 30 (ўттизинчи) кунда кучга киради.

2. Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади.

3. Ахдлашувчи Томонлардан бири бошқа Ахдлашувчи Томонни ёзма шаклда хабардор қилиш орқали мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиши мумкин. Бошқа Ахдлашувчи Томоннинг бундай хабарномаси олинганидан 6 (олти) ой ўтгач Битим тугатилади.

4. Мазкур Битим унинг кучга киришидан аввал ва кучга кирганидан сўнг содир этилган жиноятларга татбиқ этилади.

Тошкент шаҳрида 2016 йил 17 октябрда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, дори ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси
ўртасида экстрадиция тўғрисида
БИТИМ**

Тошкент, 30 апрель 2018 йил

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 20 августдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,
жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда,
жиноятчиликка барҳам беришда янада самаралироқ ҳамкорликни таъминлаш ва шу мақсадда экстрадиция тўғрисида битим тузиш истагида,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Ушлаб бериш мажбурияти

Ҳар бир Томон мазкур Битим қоидаларига мувофиқ ва бошқа Томоннинг сўровига биноан ўз ҳудудида аниқланган ва бошқа Томон тарафидан қидирилаётган шахсларни бундай шахсларга нисбатан жиноят ишларини юритиш ёки чиқарилган ҳукмни ижро этиш учун бир-бирларига ушлаб бериш (экстрадиция қилиш) мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-модда

Марказий органлар ва алоқа воситалари

1. Мазкур Битимга мувофиқ ушлаб бериш бўйича барча масалалар юзасидан қуйидагилар Марказий органлар ҳисобланади:

Ўзбекистон томони учун: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси,
Туркия томони учун: Туркия Республикаси Адлия вазирлиги.

2. Томонлар ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган марказий органлар тўғрисидаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида бир-бирларини хабардор қиладилар.

3. Мазкур Битим мақсадлари учун Томонларнинг марказий органлари бир-бирлари билан дипломатик каналлар ёки Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (ИНТЕРПОЛ) орқали алоқа қиладилар.

Дипломатик каналлардан фойдаланиш, зарурат туғилганда, марказий органлар сўровларни зудлик билан бажариш учун факс, электрон почта ёки бошқа тезкор алоқа воситалари орқали бевосита алоқа қилишларига тўсқинлик қилмайди.

3-модда

Ушлаб бериш учун асос бўладиган жиноятлар

1. Мазкур Битим мақсадларида, ушлаб бериш учун асос бўладиган

жиноятлар ҳар иккала Томон қонунчилигига мувофиқ, содир этилгани учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки янада оғирроқ жазо қўлланилиши назарда тутилган жиноятлардир. Агар ушлаб бериш тўғрисидаги сўров шу турдаги жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш бўйича ҳукми ижро этиш мақсадида қидирилаётган шахсга доир бўлса, ушлаб бериш тайинланган жазонинг тугашига камида олти (6) ой муддат қолган ҳоллардагина амалга оширилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ҳар иккала Томон қонунчилиги бўйича жиноий жазоланадиган қилмиш деб топишда Томонлар қонунчилигига мувофиқ қилмишнинг айни турдаги жиноятлар тоифасига мансублиги ёки бир хил атама билан номланганлиги аҳамият касб этмайди.

3. Агар жиноят сўраётган Томоннинг ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса ва сўралаётган Томоннинг қонунчилиги унинг ҳудудидан ташқарида худди шундай ҳолатларда содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутса, ушлаб бериш амалга оширилади.

4. Башарти ушлаб бериш тўғрисидаги сўров ҳар иккала Томон қонунчилигига биноан жазоланадиган бир нечта алоҳида жиноятларга доир бўлиб, бундай жиноятларнинг баъзилари мазкур модданинг 1-бандига назарда тутилган бошқа шартларга жавоб бермаса, шахсни ушлаб бериш учун асос бўладиган камида бир жиноят мавжуд бўлган тақдирда, сўралаётган Томон ушбу бошқа жиноятлар учун ушлаб беришга рухсат бериши мумкин.

4-модда

Рад қилиш учун мажбурий асослар

Ушлаб бериш қўйидаги ҳолларда рад этилади:

а) сўралаётган Томон ушлаб берилишига сабаб бўлаётган қилмишни сиёсий хусусиятга эга деб топса. Бироқ қўйидагилар сиёсий жиноятлар сифатида эътироф этилмайди:

давлат раҳбари, ҳукумат раҳбари ёки уларнинг оила аъзоларининг ҳаётига тажовуз қилиш ёки тажовуз қилишга суиқасд қилиш;

ҳар иккала Томон иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ сиёсий жиноят деб эътироф этилмайдиган қилмишлар;

б) сўралаётган Томон ушлаб бериш тўғрисидаги сўров шахснинг ирки, жинси, дини, миллати ёки сиёсий қарашлари учун таъқиб қилиш ёки жазолаш мақсадида юборилган деб ёхуд ушбу сабабларнинг бирортаси бўйича унинг ҳолати суд муҳокамасида ёмонлашишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблаши учун етарли асосларга эга бўлса;

с) ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлаётган қилмиш фақат ҳарбий жиноят ҳисобланса;

д) қидирилаётган шахс сўралаётган Томон фуқароси бўлса;

е) сўралаётган шахс, Томонлардан бирининг қонунчилигига мувофиқ, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги, афв этиш ёки амнистия муносабати билан жиноий таъқиб ёхуд жазодан озод этилган бўлса;

f) қидирилаётган шахсга нисбатан ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлган жинояти учун сўралаётган Томонда якуний суд ҳукми чиқарилган бўлса.

5-модда

Рад қилиш учун ихтиёрий асослар

Ушлаб бериш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

а) ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлаётган жиноят сўралаётган Томон қонунчилигига мувофиқ унинг юрисдикциясига оид бўлиб, қидирилаётган шахсга нисбатан ушбу жиноят учун жиноят иши олиб борилаётган бўлса ёки жиноят иши қўзғатилиши назарда тутилаётган бўлса;

б) ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлаётган жинояти учун қидирилаётган шахсга нисбатан сўралаётган Томон жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса;

с) сўралаётган Томон, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва сўраётган Томон манфаатларини эътиборга олган ҳолда, шахснинг ёши, соғлиғи ёки бошқа шахсий ҳолатига кўра ушлаб бериш инсонпарварлик нуқтаи назаридан мувофиқ эмас деб топса; ёхуд

д) ушлаб бериш учун сўров сўраётган Томон тарафидан сиртдан чиқарилган суд ҳукмига мувофиқ қилинган бўлса ҳамда ушбу Томон қидирилаётган шахс ушлаб берилганидан кейин унинг иштирокида ишни қайта кўриш имкониятини кафолатламаса.

6-модда

Ўлим жазоси

Агар ушлаб бериш сўралишига сабаб бўлаётган жиноят учун сўраётган Томон қонунчилигида ўлим жазоси белгиланган бўлиб, сўралаётган Томон қонунчилигида бундай жазо назарда тутилмаган бўлса, сўралаётган Томон ушлаб беришни рад қилиши мумкин, башарти сўраётган Томон ўлим жазоси тайинланган тақдирда, унинг ижро этилмаслигини кафолатламаса.

7-модда

Сўралаётган Томоннинг жиноят ишини қўзғатиш мажбурияти

1. Ушлаб бериш мазкур Битимнинг 4-моддаси (d) кичик банди, 5-моддаси (с) кичик банди ва 6-моддасида белгиланган асосларга кўра рад этилган тақдирда, сўралаётган Томон сўраётган Томоннинг сўрови асосида мазкур шахсга нисбатан ўз қонунчилигига мувофиқ тегишли чора кўриш учун жиноят ишини ўз ваколатли идораларига юборади. Ушбу мақсадда, сўраётган Томон сўралаётган Томонга жиноят ишига доир ҳужжатлар ва далилларни тақдим этади.

2. Сўраётган Томон ўз сўровининг натижалари ҳақида хабардор қилинади.

8-модда

Сўров ва зарур ҳужжатлар

1. Ушлаб бериш тўғрисидаги сўров ёзма равишда тузилиб, қуйидагиларни ўз ичига олиши ёки улар билан бирга тақдим қилиниши лозим:

а) сўраётган органнинг номи;

б) сўралаётган органнинг номи;

с) ушлаб бериш учун қидирилаётган шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми, ёши, жинси, фуқаролиги, фаолият тури, яшаш ёки турар жойи ва унинг шахсини аниқлашда ёрдам берувчи ҳар қандай бошқа маълумот;

д) ушлаб бериш учун қидирилаётган шахснинг кўриниши тавсифи ва агар мавжуд бўлса, унинг фотосурати ва бармоқ излари;

е) жиноят ишининг номи, содир этилган жиноят ҳолатлари баёни, шу жумладан, қилмишнинг содир этилган вақти, жойи ва оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, моддий зарар миқдори, башарти у ушбу ҳаракат натижасида етказилган бўлса;

ф) жиноий қилмиш ва у учун тайинланадиган жазони ҳамда жавобгарликка тортиш ва ҳукми ижро этиш муддатларини белгиловчи қонунчиликнинг тегишли қоидалари матни.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидаларига қўшимча равишда:

а) жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида юборилган ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга қамоққа олиш тўғрисидаги ордернинг нусхаси илова қилинади;

б) ҳукми ижро этиш мақсадида юборилган ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга якуний суд ҳукми нусхаси, қамоққа олиш тўғрисидаги ордернинг нусхаси ҳамда ўталиши лозим бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилган маълумот илова қилинади.

3. Ушлаб бериш тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар имзоланган ёки муҳр билан тасдиқланган ҳолда сўралаётган Томон тили ёки инглиз тилидаги таржимаси билан тақдим қилинади.

9-модда

Қўшимча маълумот

1. Агар сўралаётган Томон ушлаб бериш тўғрисидаги сўровда келтирилган маълумот мазкур Битимнинг талабларини бажариш учун етарли эмас деб ҳисобласа, ушбу Томон қўшимча маълумотнинг 30 кун ичида тақдим этилишини талаб қилиши мумкин. Узрли сабаблар мавжуд бўлганда, мазкур муддат сўраётган Томоннинг ўрнатилган тартибдаги сўровига биноан ўн беш (15) кунга узайтирилиши мумкин. Сўраётган Томон кўрсатилган муддатда қўшимча маълумот тақдим қилмаган тақдирда, сўралаётган Томон ушлаб бериш тўғрисидаги сўров бекор қилинган деб ҳисоблайди. Бироқ сўраётган Томон айти шу жиноят учун ушлаб бериш тўғрисида янги сўров юбориш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди.

2. Ушлаб берилиши сўралаётган шахс қамоқда сақланаётган бўлса ҳамда тақдим этилган қўшимча маълумот мазкур Битимга мувофиқ етарли бўлмаса

ёки ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган муддатда қабул қилинмаган бўлса, бундай шахс кўмакдан озод қилиниши мумкин. Ушбу шахснинг озод қилиниши сўраётган Томонни уни ушлаб бериш тўғрисида янги сўров юборишига тўсқинлик қилмайди.

3. Ушбу модданинг 2-бандига асосан шахснинг озод этилиши ҳақида сўралаётган Томон сўраётган Томонни дарҳол хабардор қилади.

10-модда **Дастлабки қамоқ**

1. Шошилиш ҳолатларида, сўраётган Томон ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни сўралаётган Томонга юборишдан олдин қидириладиган шахсга нисбатан дастлабки қамоқ чорасини қўллаш юзасидан илтимос қилиши мумкин. Бундай илтимоснома ёзма шаклда дипломатик каналлар, Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (ИНТЕРПОЛ) ёки Томонларнинг марказий органлари тарафидан келишилган бошқа каналлар орқали юборилади.

2. Дастлабки қамоқ чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома мазкур Битимнинг 8-моддаси 1-банди (е) кичик бандида кўрсатилган маълумот ва ҳужжатлар, мазкур модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳақида баёнот ҳамда ушлаб бериш тўғрисидаги расмий сўров тақдим этилиши тўғрисидаги баёнотни ўз ичига олади.

3. Сўралаётган Томон бундай илтимосномани кўриб чиқиш натижалари ҳақида сўраётган Томонни дарҳол хабардор қилиши лозим.

4. Агар қидириладиган шахс қамоққа олинган кундан эътиборан қирк (40) кун ичида сўралаётган Томоннинг ваколатли органи ушлаб бериш тўғрисидаги расмий сўровни олмаса, дастлабки қамоқ чораси бекор қилинади. Сўраётган Томоннинг илтимосномасига кўра ушбу муддат йигирма (20) кунга узайтирилиши мумкин.

5. Мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ дастлабки қамоқ чорасининг бекор қилиниши қидириладиган шахсни ушлаб беришга тўсқинлик қилмайди, башарти сўралаётган Томон расмий сўровни кейинчалик қабул қилган бўлса.

11-модда **Ушлаб бериш тўғрисидаги сўров бўйича қарор**

1. Сўралаётган Томон ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни миллий қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқади ва ўз қарори ҳақида сўраётган Томонни дарҳол хабардор қилади.

2. Агар сўралаётган Томон ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни тўлиқ ёки қисман рад қилса, сўраётган Томон рад қилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилинади.

12-модда **Ушлаб беришни тезлаштириш**

Агар қидириладиган шахс очикдан-очик ва ўз ихтиёрига кўра сўраётган Томонга ушлаб берилишига розилик берса, сўралаётган Томон ушлаб

беришни тезлаштириш учун ўз миллий қонунчилигида рухсат берилган барча чораларни кўриши мумкин.

13-модда

Ушлаб берилиши сўралаётган шахсни топшириш

1. Сўралаётган Томон ушлаб беришни қаноатлантирган тақдирда, Томонлар қидирилаётган шахсни топшириш жойи, вақти ва у билан боғлиқ бошқа ҳолатларни келишиб оладилар. Шу билан бирга, сўралаётган Томон ушлаб берилаётган шахс топширилгунига қадар қамокда сақланган муддат тўғрисида сўраётган Томонни хабардор қилади.

2. Агар сўраётган Томон ушлаб берилаётган шахсни бундай топшириш учун белгиланган санадан эътиборан ўттиз (30) кун ичида қабул қилиб олмаса, сўралаётган Томон мазкур шахсни дарҳол озод қилади ҳамда сўраётган Томоннинг айна шу жиноят учун ушлаб бериш тўғрисидаги янги сўровини рад қилиши мумкин, башарти мазкур модданинг 3-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

3. Агар бир Томон ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ушлаб берилаётган шахсни келишилган муддатда топшириш ёки қабул қилиш имконига эга бўлмаса, бошқа Томон бу ҳақида дарҳол хабардор қилиниши лозим. Томонлар қидирилаётган шахсни топшириш бўйича тегишли масалаларни яна бир бор келишиб оладилар ва шундан сўнг мазкур модданинг 2-банди қоидалари қўлланилади.

14-модда

Кечиктирилган ёки шартли топшириш

1. Агар қидирилаётган шахс сўралаётган Томонда ушлаб берилишига сабаб бўлаётган қилмишдан бошқа жинояти учун жавобгарликка тортилаётган бўлса ёки жазони ўтаётган бўлса, сўралаётган Томон, ушлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг, топширишни жиноий иш юритуви ёки жазони ўташ тугагунига қадар кечиктириши мумкин. Сўралаётган Томон сўраётган Томонни топшириш кечиктирилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

2. Агар мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган топширишни кечиктириш ушлаб бериш сўралган жиноят учун сўраётган Томонда жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетишига сабаб бўлса ёки терговга тўсқинлик қилса, сўралаётган Томон ўз қонунчилиги доирасида қидирилаётган шахсни Томонлар ўртасида келишилган шартларга мувофиқ сўраётган Томонга вақтинча топшириши мумкин. Сўраётган Томон мазкур шахсни тегишли иш юритуви яқунланганидан сўнг, дарҳол сўралаётган Томонга қайтариши лозим.

15-модда

Мол-мулкни топшириш

1. Агар шахсни ушлаб бериш қаноатлантирилса, сўралаётган Томон ҳудудида топилган ва жиноят натижасида эгалланган ёки ашёвий далил сифатида талаб қилиниши мумкин бўлган барча мол-мулк сўраётган Томон

илтимосига кўра, сўралаётган Томон қонунчилиги йўл қўйган даражада ва учинчи томонлар ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда унга топширилиши лозим.

2. Агар қайд қилинган мол-мулк сўралаётган Томонда олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши лозим бўлса, сўралаётган Томон бундай мол-мулкни ўзида қолдириши ёки вақтинчалик сўраётган Томонга топширилиши мумкин.

3. Топширилган ҳар қандай мол-мулк, башарти сўралаётган Томон қонунчилиги ёки учинчи шахслар ҳуқуқлари буни талаб қилса, сўралаётган Томонга унинг илтимосига кўра бепул қайтарилиши лозим.

16-модда **Махсус қоидалар**

Мазкур Битим қоидаларига мувофиқ ушлаб берилган шахс бунинг учун асос бўлган жиноятдан бошқа у ушлаб берилгунига қадар содир этган ҳар қандай жинояти учун, сўраётган Томон ҳудудида жиний жавобгарликка тортилиши ёки жазоланиши, шунингдек, учинчи давлатга ушлаб берилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) сўралаётган Томон олдиндан розилик берган бўлса. Бундай розилик бериш учун сўралаётган Томон Битимнинг 8-моддасида кўрсатилган маълумот ва ҳужжатларни, шунингдек, ушлаб берилган шахснинг тегишли жиноят бўйича баёноти тақдим қилинишини талаб қилиши мумкин. Сўраётган Томонда жиний жавобгарликка тортиш ва ҳукми ижро этишда розилик мазкур Битим қоидаларига мувофиқ ушлаб беришни назарда тутадиган жиноят учун берилиши лозим;

б) ушбу шахс тўлиқ озод қилинганидан сўнг, қирқ беш (45) кун ичида сўраётган Томон ҳудудини тарк этмаган бўлса. Ушбу муддатга шахс ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сўраётган Томон ҳудудини тарк эта олмаган вақт кирмайди; ёки

с) мазкур шахс сўраётган Томон ҳудудини тарк этганидан сўнг, ихтиёрий равишда унга қайтиб келган бўлса.

17-модда **Транзит**

1. Томонларнинг бирига учинчи давлатдан бошқа Томон ҳудуди орқали шахс ушлаб берилаётган бўлса, биринчи Томон иккинчи Томонга бундай транзит олиб ўтишга рухсат бериш юзасидан илтимос қилиши лозим. Ҳаво транспорти орқали иккинчи Томон ҳудудига қўнмасдан ўтиш ҳолатларида бундай рухсатнома талаб этилмайди.

2. Сўралаётган Томон, башарти сўраётган Томоннинг транзит ўтиш тўғрисидаги илтимосномаси ўз қонунчилигига зид бўлмаса, уни қаноатлантириши лозим.

3. Транзит олиб ўтиш ҳақидаги илтимоснома ўзида қуйидаги маълумотларни акс эттириши лозим:

- а) ушлаб берилаётган шахс тўғрисида, шу жумладан, унинг фуқаролиги;
- б) қамоққа олиш тўғрисида ордер ёки якуний суд ҳукми мавжудлиги;

- c) жиноят ҳақидаги ҳолатларни ўз ичига олган баёнот;
- d) қилмишнинг жиноийлиги ва унинг жазоси билан боғлиқ қонунчиликнинг қоидалари.

18-модда

Натижалар ҳақида хабардор қилиш

Сўраётган Томон сўралаётган Томонга ушлаб берилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан ҳукмни ижро этишга доир ёки ушбу шахснинг учинчи давлатга ушлаб берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни энг кўпи билан олти ой муддат ичида такдим қилади.

19-модда

Ушлаб бериш ҳақидаги бир хил сўровлар

Агар бир Томон бошқа Томондан ва учинчи давлатдан айнан бир шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровларни олса, сўралаётган Томон барча ҳолатларни, хусусан, жиноят ёки жиноятларнинг оғирлик даражаси, жиноятни содир этиш жойи, сўровларнинг тегишли саналари, жабрланувчи ва ушлаб бериш учун қидирилаётган шахснинг фуқаролиги ва келгусида бошқа давлатга ушлаб бериш мумкинлигини инobatга олган ҳолда, шахсни ушбу давлатлардан қайси бирига ушлаб беришни ҳал қилади ва ўз қарори ҳақида сўраётган давлатларни хабардор қилади.

20-модда

Ушлаб бериш билан боғлиқ харажатлар

Сўралаётган Томон ҳудудида ушлаб бериш билан боғлиқ процедуралардан юзага келадиган харажатлар ушбу Томон тарафидан қопланади. Ушлаб берилаётган шахсни топшириш ёки қабул қилиш билан боғлиқ транспорт ва транзит харажатлари сўраётган Томон тарафидан қопланади.

21-модда

Битимнинг бошқа халқаро шартномалар билан муносабати

Мазкур Битим Томонлар иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга даҳл қилмайди.

22-модда

Низоларни ҳал этиш

Мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллашда юзага келадиган ҳар қандай низо, башарти Томонларнинг марказий органлари у бўйича ечимга эришмасалар, дипломатик каналлар орқали маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

23-модда

Кучга кириши, ўзгартириш ва денонсация қилиш

1. Мазкур Битим ратификация қилиниши лозим. Ҳар бир Томон бош-

қа Томонни дипломатик нота орқали мазкур Битимнинг кучга кириши учун ўз қонунчилигига мувофиқ барча зарурий чоралар кўрилганлиги ҳақида хабардор қилади. Мазкур Битим охирги дипломатик нота олинган санадан сўнг ўттинчи кунда кучга киради.

2. Томонларнинг ёзма келишувига мувофиқ мазкур Битимга исталган вақтда ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартиришлар ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган тартибда кучга киради ва мазкур Битимнинг ажралмас қисмини ташкил қилади.

3. Ҳар бир Томон исталган вақтда дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориш орқали мазкур Битимни денонсация қилиши мумкин. Денонсация бундай хабарнома берилган санадан бир юз саксон кун ўтгач, кучга киради. Битимнинг денонсация қилиниши денонсацияга қадар бошланган ушлаб бериш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларга дахл қилмайди.

4. Мазкур Битим кучга кирганидан сўнг, тақдим этилган барча сўровлар учун, гарчи тегишли жинойтлар Битим кучга кирганига қадар содир этилган бўлса ҳам, амал қилади.

5. Мазкур Битим кучга кирган кундан бошлаб, 1994 йил 23 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасида фуқаролик, савдо ва жиной ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги Шартноманинг ушлаб беришга оид қисми тугатилади.

Тегишли тартибда ўз Ҳукуматлари томонидан ваколатланган қўйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2018 йил 30 апрелда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, турк ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзо)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган
Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида дипломатик паспорт
эгаларини виза талабларидан ўзаро озод этиш тўғрисида
ҲАМКОРЛИК ПРОТОКОЛИ**

2019 йил 25 март, Абу-Даби

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 23 августдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш истагидан келиб чиқиб,

дипломатик паспорт эгалари бўлган Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари фуқароларининг саёҳат шароитларини соддалаштиришга интилган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Томонлардан бири давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгалари бошқа Томон давлати ҳудудига кирган санадан бошлаб, олти (6) ой ичида тўқсон (90) кундан ошмаган муддатда визалар расмийлаштирмаган ҳолда, ушбу Томон давлати ҳудудига кириш, ундан чиқиш, транзит ўтиш ҳамда унда вақтинчалик бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган муддатдан узоқроқ муддатга бошқа Томон давлатининг ҳудудига киришни истаган бир Томон давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгалари ушбу Томон давлатининг ҳудудига кириш учун виза олишлари лозим.

2-модда

1. Башарти Томонлардан бири амалдаги дипломатик паспортга эга бўлган ўзининг ҳар қандай фуқаросини бошқа Томон давлати ҳудудидаги ўзининг дипломатик ваколатхоналарига ва консуллик муассасаларига ёки халқаро ташкилотларга тайинлаган тақдирда, у тайинланган шахс бошқа Томон давлатининг ҳудудига етиб келганидан сўнг, бошқа Томонни бундай тайинлов ҳақида хабардор қилади.

2. Бошқа Томон давлатининг ҳудудига етиб келганидан сўнг, ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган шахслар тегишли дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари ёки халқаро ташкилотларнинг сўровига биноан ва қабул қилувчи Томон давлатининг қонунларига мувофиқ ўттиз (30) кун ичида аккредитация қилинади.

3. Ҳар қандай Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудида жойлашган ушбу Томоннинг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муас-

сасаларида ёки халқаро ташкилотларда аккредитация қилинган амалдаги дипломатик паспорт эгалари ўз аккредитация муддати давомида бошқа Томон давлатининг ҳудудига виза талабларисиз кириши, ундан чиқиши, транзит ўтиши ёки унда бўлиб туриши мумкин.

4. Ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган шартлар бир Томон давлати ҳудудида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхона, консуллик муассасаси ёки халқаро ташкилот ходимининг турмуш ўртоғи, вояга етмаган фарзандлари ва қарамоғида бўлган ота-оналарига ҳам татбиқ қилинади, башарти улар бошқа Томон давлатининг амалдаги дипломатик паспорти эгалари ҳисоблансалар.

3-модда

1. Томонлардан бири давлатининг амалдаги дипломатик паспорти эгалари бошқа Томон давлати ҳудудида паспортлар йўқолган ёки шикастланган тақдирда, ўз давлатининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасини зудлик билан хабардор қиладилар, улар эса қабул қилувчи давлатнинг ваколатли идораларини тегишли чоралар кўриш учун хабардор қиладилар.

2. Йўқолган ёки шикастланган ҳужжат ўрнига тегишли Томон давлатининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси янги паспорт ёки йўқолган ёхуд шикастланган паспортнинг ўрнини вақтинчалик босувчи бошқа йўл ҳужжатини тақдим этади.

4-модда

Томонлардан бири давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгалари бошқа Томон давлати чегарасини фақат ушбу Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ халқаро йўловчи ташиш учун очиқ бўлган чегара пунктлари орқали кесиб ўтадилар.

5-модда

Томонлардан бири давлатининг ваколатли органлари бошқа Томон давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгаларининг, башарти уларнинг ҳудудда бўлиб туришлари номақбул деб топилса, ушбу давлат ҳудудига киришларини рад этиш ёки унда бўлиб туришларини қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

6-модда

Бир Томон давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгалари бошқа Томон давлати ҳудудида бўлиш вақтида ушбу давлатнинг қонунчилигини ҳурмат қилиш мажбуриятини оладилар.

7-модда

1. Ҳар бир Томон, жамоат тартибини таъминлаш, давлат хавфсизлигини ёки жамоат соғлигини ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлганда, мазкур

Протоколни қўллашни тўлиқ ёки қисман тўхтатиши мумкин. Бундай ҳолда, бошқа Томон ушбу қарор ҳақида зудлик билан ёзма равишда хабардор қилинади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни қўллашга қарор қилган Томон ушбу чора-тадбирларни бекор қилиш ва мазкур Протоколни қўллашни қайта тиклаш тўғрисида зудлик билан бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилади.

8-модда

1. Томонлар давлатларининг ваколатли органлари мазкур Протокол кучга кирган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кечиктирмасдан дипломатик паспорт намуналарини алмашадилар.

2. Томонлар давлатларининг ваколатли органлари дипломатик паспортга киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида ушбу ўзгартиришлар кучга киришидан олдин ўттиз (30) кундан кечиктирмасдан бир-бирларини хабардор қиладилар ва бир вақтнинг ўзида бошқа Томон давлатининг ваколатли органларига намуналарни тақдим этадилар.

9-модда

Мазкур Протоколни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Томонлар ўртасидаги ҳар қандай низолар маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

10-модда

Мазкур Протоколга киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар иккала Томон ўртасида ўзаро келишиб олинади ҳамда дипломатик каналлар орқали расмий ноталар алмашинуви билан амалга оширилади.

11-модда

1. Мазкур Протокол номуайян муддатга тузилади ва унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини Томонлар бажарганликлари тўғрисидаги охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб ўттиз (30) кундан сўнг кучга киради.

2. Ҳар бир Томон бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориш орқали мазкур Протоколнинг амал қилишини тугатиши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур Протоколнинг амал қилиши бошқа Томон тугатиш тўғрисидаги хабарномани олган санадан бошлаб ўттиз (30) кундан сўнг тугатилади.

Абу-Даби шаҳрида 2019 йил 25 мартда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Протоколни талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь
Республикаси Ҳукумати ўртасида божхона ишларида
ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида
БИТИМ**

2018 йил 13 сентябрь, Тошкент

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 4 январдаги ПҚ-4093-сонли «Халқаро шартномалар-
ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2019 йил 2 сентябрдан
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Беларусь Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, контрабанда ва божхона қонунчилигининг бузилиши ўз давлатларининг молиявий, савдо, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига зиён етказишидан, шунингдек, миллий хавфсизлигига таҳдид солишидан келиб чиқиб,

товарларни олиб кириш ва олиб чиқишда ундириладиган божхона божлари, солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисоблашни ҳамда ундиришни таъминлаш, шунингдек, уларга нисбатан тақиқлаш, чеклаш ва назорат қилишга доир шартларнинг белгиланган тартибда ижросини таъминлаш муҳимлигини инобатга олиб,

Ахдлашувчи Томонларнинг божхона органлари ўртасида яқиндан ҳамкорлик орқали божхона ҳуқуқбузарликлари билан курашишни янада самарали амалга ошириш мумкинлигини англаган ҳолда,

1953 йил 5 декабрдаги Божхона ҳамкорлиги кенгашининг ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги Тавсияларини эътиборга олиб,

1961 йил 30 мартдаги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона конвенция ва 1972 йил 25 мартда қабул қилинган 1961 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона конвенцияга тузатишлар тўғрисидаги Протокол, 1971 йил 21 февралдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенция, шунингдек, 1988 йил 20 декабрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенциясининг қоидаларини эътиборга олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**1-модда
Таърифлар**

Мазкур Битим мақсадларида қўлланиладиган атамалар қуйидагиларни англатади:

божхона қонунчилиги — товарлар, йўловчиларнинг қўл ва багаж юклари, валюта ва бошқа бойликлари, халқаро почта жўнатмаларини олиб

кириш, олиб чиқиш ва транзит олиб ўтиш, божхона божи, йиғимлари ҳамда бошқа тўловларни ундириш, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар беришни, тақиқ ва чекловлар ўрнатишни тартибга солувчи ҳамда қўлланилиши ва амал қилишини таъминлаш бевосита Аҳдлашувчи Томонларнинг божхона органлари зиммасига юклатилган Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мажмуи;

божхона ҳуқуқбузарлиги — божхона қонунчилигининг ҳар қандай бузилиши ёхуд уни бузишга ҳар қандай уриниш;

божхона органлари:

Ўзбекистон Республикасида — Давлат божхона қўмитаси;

Беларусь Республикасида — Давлат божхона қўмитаси.

сўраётган божхона органи — мазкур Битимга мувофиқ божхона ишларида кўмаклашиш тўғрисида сўровнома йўллайдиган божхона органи;

сўралаётган божхона органи — мазкур Битимга мувофиқ божхона ишларида кўмаклашиш тўғрисида сўровнома оладиган божхона органи;

ахборот — тақдим этиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар;

гиёҳвандлик воситаси — 1961 йил 30 мартдаги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона конвенциянинг I ва II Рўйхатларига кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда;

психотроп модда — 1971 йил 21 февралдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенциянинг I, II, III ва IV Рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал;

прекурсорлар — 1988 йил 20 декабрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенциясига Илованинг I ва II жадвалларига киритилган ҳар қандай модда;

назорат остида етказиб бериш — ноқонуний муомалага қаратилган ёки бунда гумон қилинаётган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини, шунингдек, бошқа товарлар олиб ўтилишида иштирокчи бўлган ёхуд бунда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари рухсати билан ҳамда назорати остида уларни олиб кириш, олиб чиқиш, транзит олиб ўтишга рухсат берувчи услуб;

шахсий маълумотлар — аниқланган ёки аниқланаётган жисмоний шахснинг шахсини аниқлаш имконини берадиган маълумотлар.

2-модда

Битимнинг қўлланилиш доираси

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўз давлатларининг божхона органлари орқали мазкур Битим қоидаларига мувофиқ қуйидагилар бўйича бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатадилар:

а) божхона қонунчилигининг лозим даражада қўлланилишини таъминлаш;

б) божхона ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, суриштириш ва унга қарши курашиш;

в) божхона қонунчилигини қўллашга доир ҳужжатларни тақдим этиш ва улар ҳақида хабар қилиш;

г) мазкур Битимни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ахборот ва маълумотлар алмашиш.

2. Мазкур Битим доирасидаги ёрдам, сўралаётган божхона органи давлатининг ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ, унинг ваколати ва имкониятлари доирасида амалга оширилади. Зарур бўлганда, сўралаётган божхона органи давлатининг ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ, божхона органлари ёрдам бошқа ваколатли орган томонидан кўрсатилиши учун чоралар кўриши мумкин.

3-модда

Ахборот тақдим этиш ва ундан фойдаланиш

1. Божхона органлари сўровномага асосан, қуйидагиларни таъминлашда ёрдам бериши мумкин бўлган ахборотни бир-бирларига тақдим этадилар:

а) божхона органлари томонидан божхона божлари, солиқлари, тўловлари ва йиғимларини ундириш, товарларнинг божхона қиймати ва уларнинг тарифли таснифланишини аниқлаш;

б) Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона ҳудуди орқали ҳаракатланадиган товарларга тааллуқли тақиқлар ва чеклашларга амал қилиш;

в) бир ёки иккала Аҳдлашувчи Томон тарафидан тузилган бошқа шартномаларда белгиланмаган товарларнинг келиб чиқиш миллий қоидаларини қўллаш.

2. Сўралаётган божхона органи сўралаётган ахборотга эга бўлмаган тақдирда, сўралаётган божхона органи давлатининг ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ, у ушбу ахборотни олиш учун тегишли чораларни кўриши лозим.

3. Сўралаётган божхона органи мазкур модданинг 2-бандида кўрсатилган ахборотни ўз номидан ҳаракат қилиб, сўраб олади.

4-модда

Товарларнинг ҳаракатланиши тўғрисида ахборот

Божхона органлари сўровномага мувофиқ бир-бирларига қуйидагиларни тасдиқловчи ҳар қандай ахборотни тақдим этадилар:

а) Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати божхона ҳудудидан қонуний олиб чиқилганлигини;

б) Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати божхона ҳудудидан олиб чиқилган товарлар бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати божхона ҳудудига қонуний олиб кирилганлигини, башарти бундай ҳолатлар мавжуд бўлса, бу товарларга қўлланилган божхона тартиб-таомилларини кўрсатган ҳолда;

в) Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати божхона ҳудудидан имтиёзлар тақдим этилган ҳолда олиб чиқиладиган товарлар бошқа Аҳдла-

шувчи Томон давлати божхона ҳудудига лозим тарзда олиб кирилганлигини, мазкур товарларга нисбатан қўлланилган божхона назоратининг чоралари бўйича ахборот тақдим этган ҳолда.

5-модда

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласи ҳақидаги ахборотлар

1. Божхона органлари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласининг олдини олиш, уни бар-тараф этиш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласини суриштириш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида, бир-бирларига сўровномаларсиз ва қисқа муддатда қўйидагилар тўғрисида ахборот тақдим қиладилар:

а) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласи билан шуғулланаётганлиги маълум бўлган ёки бунда гумон қилинаётган шахслар;

б) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласи учун фойдаланилаётганлиги маълум бўлган ёки бундай фойдаланишда гумон қилинаётган транспорт воситалари ва контейнерлар, почта ва курьерлик жўнатмалари.

2. Божхона органлари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласида қўлланилаётган усуллар, шунингдек, уларни назорат қилишнинг янги услублари тўғрисида бир-бирларини дастлабки сўровсиз хабардор қиладилар.

3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларига мувофиқ божхона органлари томонидан олинган ахборот Аҳдлашувчи Томоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ҳамда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласига қарши курашиш ваколатига эга бўлган бошқа давлат органларига тақдим этилиши мумкин.

6-модда

Бошқа ахборотлар

Божхона органлари ўз ташаббуси ёки сўровномага мувофиқ бир-бирларига божхона ҳуқуқбузарлиги билан боғлиқ бўлган, хусусан, қўйидагиларга тааллуқли ахборотларни тақдим этадилар:

а) божхона ҳуқуқбузарлигини содир этган ёки бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида амал қилаётган божхона қонунчилигини бузишда гумон қилинаётган жисмоний ва юридик шахсларга;

б) ноқонуний муомалада бўлган товарларга;

в) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги амалдаги божхона қонунчилигини бузиш мақсадида фойдаланилган, фойдаланилаётган ёки фойдаланилиши мумкинлиги тўғрисида маълумот ёки шубҳалар мавжуд бўлган транспорт воситалари ва контейнерларга;

г) божхона ҳуқуқбузарлигини содир этишнинг янги усуллари ва воситаларига.

7-модда

Хужжатларни топшириш

1. Божхона органлари ўз ташаббуси ёки сўровномага мувофиқ бир-бирларига бошқа Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудида амал қилаётган божхона қонунчилигининг бузилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни ўзида ифодалаган гувоҳлик кўрсатмаларининг ёзувлари ёки ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этадилар.

2. Мазкур Битим доирасида тақдим этиладиган ҳужжатлар ушбу мақсадлар учун тақдим этилган ҳар қандай шаклдаги компьютер ахбороти билан ҳам алмаштирилиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу ахборотни талқин қилиш ва фойдаланиш учун зарур бўлган материаллар ҳам тақдим этилиши лозим.

8-модда

Божхона расмийчиликларини соддалаштириш

Божхона органлари:

а) ўзаро келишув бўйича божхона операциялари (божхона расмийлаштируви)нинг амалга оширилишини тезлаштириш бўйича ҳамда божхона назорати самарадорлигини ошириш бўйича, шу жумладан, хавфни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўрадилар;

